Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 3 сўм. Сотувда — 5 сўм.

1992 йил 18 декабрь, жума № 248—249 (21.347).

Ислом КАРИМОВ:

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНАДИ

● *Ўзбекистон—Миср:*

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ САРИ

● **Аввал хабар берганимиздек, 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасига расмий ташриф буюрди. Қоҳира халқаро тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясини Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак кутиб олди. Пойтахт тайёрагоҳида илк марта мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янгради, давлат бошлиқлари фахрий соққилар сафи олдидан юриб ўтдилар.**

Шу куни кечга яқин икки давлат раҳбарлари ўртасида музокара бошланди. Мулоқот чоғида Яқин Шарқдаги аҳволга, Ўрта Осиё республикаларидаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга, халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама этилади. Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг сўзларига қараганда, томонлар икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва илмий-амалий муносабатларни, Ўзбекистон ва Миср руҳонийлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларини батафсил муҳокама қиладилар.

Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига биринчи ташрифи чоғида бир неча муҳим ҳужжатлар мажмуи, жумладан, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома, ўзаро сармоя қўйишни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битим, икки мамлакат ўртасида ҳаво қатновини ривожлантириш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланади.

(ЎзА).

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

● **Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегациясининг Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак билан 15 декабрь куни кечга яқин бошланган музокараларининг биринчи даврасида Яқин Шарқдаги ва Ўрта Осиёдаги вазият, Араб-Исроил музокаралари, собиқ Югославия ва Сомалидаги аҳвол, шунингдек, Миср билан Ўзбекистон муносабатларига оид муҳим масалалар муҳокама этилди. 16 декабрь музокаралар иккинчи даврада давом эттирилди.**

15 декабрь куни кечқурун Миср Араб Республикасининг Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак мамлакатимиз Президенти шарафига зиёфат берди. Зиёфат чоғида Миср Араб Республикаси давлат ва ҳукумат муассасалари ходимлари, сиёсий арбоблар, ишбилармонлар ва олимлар, шунингдек, чет эл ваколатхоналари ходимлари ҳозир бўлдилар. Меҳмонлар ҳузурида нутқ сўзлаган Муҳаммад Ҳусний Муборак Ўзбекистон раҳбарини қадимий Мисрга келиши билан қутлади ва икки мамлакат ўртасидаги тарихий алоқалар халқларимиз маънавий қадриятларининг муштараклиги ва ўлкаларимизнинг башарият тарихига қўшган ҳиссаларининг умумийлиги билан белгиланади, деди. Ҳозирги вақтда, дея сўзини давом эттирди Президент, икки давлат ҳам бир-бирининг ички ишларига аралашмаган ҳолда тинчлик, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан бормоқда.

Ислом тараққиёт, адолатпарварлик ва муросасозлик динидир, деб таърифлаган мамлакат раҳбари икки давлат ҳам ақидапарастлик ва баттолликни қатъият билан рад этади, чунки, бундай салбий ҳодисалар халқларимиз табиатига ва ислом таълимотининг рукнларига зиддир, деди.

Ислом Каримов жавоб нутқи сўзларкан, мустақилликка эришган Ўзбекистон бир йил давомида ўн йилга татигулик шарафли йўлни босиб ўтди, деди. Ҳозир Ўзбекистонни жаҳоннинг 129 давлати тан олди, 60 мамлакат билан элчихона даражасида дипломатия алоқалари ўрнатилди. «Камина умидворманки, деди давлат бошлиғи, яқин кунлар ичида Миср элчисини ҳам азиз меҳмон сифатида кутиб олгаймиз».

«Ўзининг тарихий қадриятларига таянган Ўзбекистон демократия йўлини танлади ва бозор иқтисодиётини тиклашга киришди. Ташқи сиёсат соҳасида эса бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва можароларни тинч йўл билан ҳал этишдек синашта тамойилларга суянамиз. Ўзбекистон ўз тевагарида, Яқин шарқ минтақасида ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик сақланиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилажак», деб ишонч билан сўзлади давлат бошлиғи.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Миср билан турли шартномалар имзолашга тайёр эканини маълум қилди. Эртага имзоланажак муҳим тарихий ҳужжатлар, деди Президент, икки давлат ва икки халқнинг галдаги яқинлашувига хизмат қилади. «Биз бор кучимиз ва иродамизни ишга солиб тиклашга ҳаракат қилаётган қадимий ипак йўли Африка, Европа ва Осиё қитъаларидаги давлатлар ўртасидаги олис масофани яқинлаштирувчи ва боғлаб тургувчи кўприк бўлиб қолади», деб ишонч билдирди давлат бошлиғи.

16 декабрь куни Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири Миср билан Ўзбекистон элчихона даражасида дипломатия алоқалари ўрнатишга тайёр, деб айтди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

● **16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак «Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома»га имзо чекдилар.**

Шу куни, деб хабар қилади «Савтул араб» радиоси, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва миллий-амалий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, сармоя қўйишни биргаликда муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битим, Миср ва Ўзбекистон оралиғида ҳаво қатновини ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга машҳур «Ал-Азҳар» дорилфунунининг фахрий доктори унвонини топшириш тантаналари бўлди. Маълумки, бу дорилфунун мусулмон дунёсининг кўпчилик тан олган илоҳиётшунослик маркази саналади.

Ушбу юксак мукофот «Ал-Азҳар» дорилфунуни руҳоний ҳайъатининг қарорига биноан мамлакатимиз президентига «Исломни муҳофаза қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» топширилди.

* * *

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси 17 декабрь куни кечқурун Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НУКУС ШАҲРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари, намунали ободончилик ишлари ҳамда ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 декабрь.

НУКУС ШАҲРИ — 60 ЁШДА



● СУРАТДА: Нукус. Радио уйи.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

17 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг партия Дастурини, таъсис қурултойи ҳамда шаҳар партия ташкилоти конференцияси қарорларини амалга ошириш бўйича фаолияти ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Пленумни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов қисқача кириш сўзи билан очди.

Музокараларда Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов район кенгаши биринчи котиби Ш. Ёқубов, Ҳамза театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Т. Мўминов, Тошкент шаҳар хотинқизлар қўмитаси раиси муовини М. Юнусхўжаева, иқтисод институти лабораторя бўлим мудири, иқтисод фанлари доктори С. Воҳидова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қашқадарё вилоятида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва районларнинг ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Вилоят ҳокими Т. Хидиров Ўзбекистон Республикаси ўн биринчи сессияси якунлари ва вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Йиғилишда сессия ҳужжатларини, аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатма ва хулосаларни тарғибот ва ташвиқот қилиш шу кунниинг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, қишки тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *ХДП ҳаётидан*

ТАДБИРКОРЛИК ЎЗ САМАРАСИНИ КЎРСАТДИ

⊙ САМАРҚАНД вилоятининг Гўзалкент районидаги «Мевали» жамоа хўжалигида келаси йил учун обуна бўлиш уюшқоқлик билан ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси хўжалик бошланғич ташкилотининг тадбиркорлиги ўз самарасини берди.

— Хўжалик меҳнаткашлари келаси йил учун қарийб 500 нусха, жами 73620 сўмлик газета-журналларга обуна бўлишди, — дейди партия ташкилоти котиби Нурмуҳаммад Амиров. Партия ташкилоти ҳисобида 64 нафар аъзо бор. Улар ўзлари ёқтирган район, вилоят ва республика газета ва журналларига обуна бўлишди. Янги йилдан бошлаб севимли «Ўзбекистон овози» газетасини 95 нафар киши ўқийдиган бўлади. Обуна ишларини уюшқоқлик билан ўтказишда М. Холбекова, Х. Саъдинова, Б. Облоқулова, А. Раҳимов, Э. Ҳайдаров, Қ. Маллаев фаоллик кўрсатишди.

Тўрақул РУСТАМОВ.

ИЖАРА ШАРОФАТИ

● **Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг, ўнлаб ХДП аъзоларининг ғайрат ва шижоати туфайли йиллик белгиланган режа муддатидан икки ой илгари оширилди ва уддаланган эди. Ҳозиргача 123,5 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарилди. Режадан зиёд қариб 3 миллион шартли банка консерва тайёрланди.**

Бу йил корхона цехларида 130 та турли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, томат сабзавот консервалари, узум, мева шарбатлари, қиём, мураббо ва тузланган помидор, бақлажон, бодринг каби маҳсулотлар харидоргирлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ижара усулини қўллаш ютуқлар келтиришини амалда синовдан ўтказдик. Бу усул корхонамиз иқтисодиётини мустаҳкамлади. Биргина шу йилнинг ўзида 18 миллион сўм соф фойда олдик. Шу ҳисобдан ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни тўғри йўлга қўйдик. Мавсумнинг қизғин палласида уларга уч маҳал бепул иссиқ овқат берилди. Ҳозир ишчиларга овқатлар ярим баҳосида сотилаяпти. Ишчиларимизнинг ойлик маошини муттасил ошириб боряпмиз.

Бундан ташқари, жамоамиз аъзоларини арзон нархда қишлик озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ун, ёғ, картошка билан таъминладик. 1992 йил давомида 36 нафар ишчи оиласига квартира бердик. Шунингдек, янги уй-жой қураётганларга завод ҳисобидан 50 минг сўмгача узоқ муддатли қарз берилаяпти.

Ишчиларимизнинг маънавиятини бойитишга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Шу мақсадда фойда ҳисобидан 300 нафар илғор ишчи 1993 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилинди. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, отахон газетамизнинг жанговарлиги ва жўшқинлиги кун сайин ортиб бормоқда.

Сафар ЭШТУРАЕВ,
Шаҳрисабз консерва заводи директори,

Исмоил УМИРОВ,
ХДП бошланғич ташкилотининг котиби.

БУҒДОЙНИ БЎЛИБ ОЛИШДИ

Боғдорчилик ва узумчиликнинг макони — «Парамон» давлат хўжалиги Янгиқўрғон районига қарайди. Хўжалик нафақат район аҳолини, балки вилоят, республика ва ундан ташқаридагиларни ҳам мева-чева билан сийлаб туради.

Бу йилги ҳосил ҳам чакки эмас. Исбот — давлат режаси уддаланган. Ортганидан ўзларига — рўзғори учун ташиб олишган. Иш қилиб олганлари, ризқининг баракасига қўшилгани рост бўлсин!

Хўжалик директори, меҳнаткашлар сардори Мэлс Ёқубжоновнинг ишидан боғбону деҳқонлар хурсанд. Яқинда у хўжалик ғаллакорлари етиштирган буғдойнинг 83 тоннасини ўзларига — боғбону деҳқонларга тарқатди. Ем-хашак, силосу сомон сўраб келганларни ҳам қуруқ қайтаргани йўқ. Нияти — кўпнинг кўнглини олиш, элнинг ризқини ўйлаш эди. Шунга амал қилди.

Буғдойдан бўшаган 250 гектар майдонга ҳам уруғлик сепилганига анча бўлди. Янги ҳосил кўкариб қолган жойлар ҳам анча. Қиш қори, баҳор ёмғири ҳар қандай ўғитдан зўрлигини улар яхши билишади. Шу боис, кейинги йил ҳосили мўл бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, кузги шудгорни қойиллатиб ўтказган Ш. Болтабоев, А. Фозилов ва Н. Жўраев сингари бульдозерчилар бир йўла экишни ҳам ўзлари уддалаб беришганди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТОШЛОҚДА АПЕЛЬСИН ПИШДИ

● **Тошлоқ районидаги «Фарғона» жамоа хўжалиги иссиқхонаси тропик ўлкалар боғини эслатади. Қатор ўсган ям-яшил дарахтларда олтиндай лимон мевалари гуж-гуж осилиб ётибди.**

Хўжалик иссиқхонасини ташкил этишда уста боғбон Аҳмадали Бобохоновнинг хизмати катта. 60-йилларда у ўз шахсий томорқа участкасида Тошлоқда биринчи бўлиб лимонарий барпо этган эди. Цитрус ўсимликлари устаси кейинчалик жамоа хўжалиги лимонарийсини ҳам гуллаб-яшнатди. Бу ерда на фақат лимон, балки помидор, болгар қалампири ва бошқа резавор экинлар кўчатлари ҳам етиштирилади. Шу йилнинг ўзида хўжалик иссиқхонадан 100 минг тупдан ортиқ турли кўчатларни сотди.

Бу йил эса иссиқхонада янги боғ ҳосил берди. А. Бобохонов уч йил аввал Кримдан келтириб эккан 30 туп апельсин ниҳоллари илк марта мева берди.

— Кўпчилик бизнинг шароитларда апельсин етилишига ишонмаганди, — дейди тажрибакор боғбон, — аммо кўчат парваришини қондадагидек олиб бориш, унинг нормал ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратиш туфайли кўзланган мақсадимизга эришдик. Мўлжалимиз бу тансиқ мева боғларини кўпайтириш.

Алишер ИБОДИНОВ.

КАСБИДА ЗАВОД ҚУРИЛЯПТИ

● **Ульянов районидаги Касби қишлоғида ҳадемай сопол буюмлар заводи барпо этилади. Корхонада коса, пиёла, чойнак, лаган каби турли-туман сопол буюмлар тайёрлаш мўлжалланган. Зарур асбоб-ускуналарни чет эллардан олиб келиш кўзда тутиляпти.**

Завод асосан «Уста» кичик корхонаси базасида юзага келади. Кичик корхона раҳбари Шароф Рашидов номли совхоз билан шартнома тузган. Хўжалик корхона қурилиши учун 8—10 миллион сўм маблағ ажратса, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мумкин. Бу иш билан ҳозир «Қаршистрой» бирлашмасининг А. Аъламов бошлиқ 15-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари шуғулланмоқда.

ФАРОВОНЛИК УЧУН

● **Муборак районидаги йирик аҳоли пункти — Хитой қишлоғига табиий газ келтирилди. Яқин кунларда Қорақум, Қорабоғ қишлоқларининг аҳолиси ҳам табиий газдан фойдаланишга муяссар бўлади.**

— Аҳоли пунктларини газлаштириш аслида фаровонлик белгиси, — дейди район ҳокими Ж. Қурбонов. — Ҳозир Қарлиқ, Кўҳнашаҳар, Сариқ ва Хўжамуборак қишлоқларидаги хонадонларни газлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилаётир. Биз яқин йилларда барча қишлоқларимизни табиий газ билан таъминлашга эришамиз.

Мусо КАРОМОВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НУКУС ШАҲРИ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги хизматлари ҳамда жамоат турмушидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ»

Юсупов Иброҳим — шоир, Қорақалпоғистон Республикаси маданият жамғармасининг раиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Ваноев Отажон — «ККресагрострой» бирлашмаси 1-трестининг 307-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси комплекс бригадаси бошлиғи, Тўрткўл райони

Суюнов Жолдасбой Суюнович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Турежонов Алихон — «Ўзшаҳарқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Нукус уйсозлик комбинати ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Нурсейтов Сапарниёз — Нукус полиграфия комбинати босмахона цехининг матбаачиси

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Акимбоева Клара — шаҳар болалар шифохонасининг бош шифокори

Бобожонов Йўлдош — Н. К. Крупская номли 25-мактаб ўқитувчиси

Естеков Сандбой Нурмонович — Нукус шаҳар телефон тармоғининг етакчи мутахандиси

Жолдасбоев Кенесбой — Нукус шаҳар телефон тармоғининг кавшарловчи кабелчиси

Кожасов Турдибой Сейтбоевич — Бердах номли давлат музикали театрининг бош балетмейстери

Любимов Николай Владимирович — Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва ҳусусийлаштириш комитети раисининг ўринбосари

Матсапаев Холмурот Оллоёрович — Хўжайли районидаги Ойбек номли жамоа хўжалиги 1-агроучасткасининг бошлиғи

Отеев Абатбой Қалбоевич — Нукус район марказий касалхонасининг бош шифокори

Оқназаров Ҳилол — Нукус мебель ижара корхонаси йиғув цехининг бригадири

Таженова Дамегул — Нукус тикувчилик-трикотаж фабрикаси ишлаб чиқариш участкасининг устаси

Ҳаннанов Фарид Валиевич — Нукус шаҳар газлаштириш бошқармаси авария-диспетчерлик хизматининг катта устаси

Хожаметов Турдимурот — Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига қарашли Нукус шаҳар «Автодормехбаза»синининг махсус автомашина ҳайдовчиси

Шомуротов Яхшим — Чимбойдаги 40-автокорхона ҳайдовчиси

Юсупова Бибиойим Оллоназаровна Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Қутлимуротов Палмурот — Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 21-ўрта мактаб директорининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 12 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол қатнашганлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»

Абдулраззоқов Эркин Мажидович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

Жамолов Салоҳиддин — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Корабельников Ростислав Васильевич — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг проректори

Мавлявиев Марс Рауфович— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти сиртқи факультетининг декани

Мардонов Ботиржон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Маърупов Махсум — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

Минавваров Абдурашид Қаҳҳорович — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Нўъмонов Турсунбой — Наманган давлат университетининг доценти

Раҳимов Абдулла — Наманган давлат университетининг проректори

Юнусов Латиф — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Эркашев Карим — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Абдураҳимова Инобат Турсуновна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти

Абдураҳмонов Абдулазиз Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Абдураҳмонов Абдурашид — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Андижон бўлимининг директори

Азимов Бобожон Азимович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти

Амзаев Леннор Аблаевич — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти факультетининг декани

Ғайбуллаев Файзулло — Наманган давлат университетининг доценти

Иброҳимов Мунир Ҳасанович — Наманган давлат университетининг доценти

Иброҳимов Ризқимбой — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Комилова Холида Ҳафизовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Маллабоев Турсунбой Нурматович — Наманган давлат университети факультетининг декани

Маҳкамов Руфат Ғуломович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Муҳамедов Маҳмуд — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Сирожиддинов Икромиддин Қутбиддинович — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Одилов Кабир Қодирович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг катта ўқитувчиси

Парпиев Ҳамижон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг проректори

Садриддинов Нажмиддин — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Сулаймонов Ҳабибулло — Наманган давлат университетининг профессори

Турсунов Ҳамидулла Қўчқорович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув қисми бошлиғи

Тўхтабоев Сотиболди Турсунович — Наманган давлат университети факультетининг декани

Ҳамидова Турсун Абдулҳакимовна — Наманган давлат университети рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг мудири

Юсупов Иброҳимжон Юнусович — Наманган давлат университетининг кафедра мудири

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 декабрь.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТГА — МАЛАКАЛИ МУҲАНДИСЛАР

БУГУН 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

Ўттизинчи йилларнинг бошида республика қишлоқ хўжалиги ва саноатини тиклаш, уни жадал суръатлар билан ривожлантириш, маҳаллий аҳоли вакилларидан малакали мутахассисларни тайёрлаш зарурати кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири эди. Пахта етиштиришнинг кўпайиб бориши, уни сақлаш, қайта ишлаш билан боғлиқ саноат тармоқларини кенгайтириш уларни янги техника билан жиҳозлашни талаб қиларди. Шунга кўра, республика вилоятлари, Тошкент, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда йигирув-тўқувчилик, пиллакашлик, тўқимачилик корхоналари қурилди. Айни пайтда ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш учун юқори малакали мутахассислар, маҳаллий аҳоли вакилларидан муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳам долзарб вазифа эди. Шунга кўра, 1931 йили Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институтининг тўқимачилик факультети алоҳида институт сифатида ажралиб чиқди ва Ўрта Осиё механика-технология институти деб номланди. Орадан бир йил ўтгач эса Тошкент тўқимачилик институтига асос солинди. Унинг илк ректори этиб қобилиятли ташкилотчи Амин Раҳматуллаев тайинланган эди.

Олтмиш йил ичида институтимиз катта илм даргоҳларидан бирига айланди. Ҳозирга келиб йигирма мутахассислик бўйича талабаларга таълим берилмоқда. Институтимиз фақат Ўзбекистон учун эмас, пахта етиштирувчи бошқа давлатлар учун ҳам ўттиз уч мингдан зиёд муҳандис-технологлар тайёрлаб берди. Шулар қаторида Шарқий Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларидан келган ёшлар ҳам ўзларига учун зарур соҳалар бўйича таҳсил олмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлиги, республикадаги иқтисодий ислоҳот, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тубдан ўзгариши, демократиялаштириш сиёсати олий таълим тизимларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Институтимиз жамоасининг тараққиёт дастурига киритилган йўналишлар бугунги ва эртанги кунимиз учун ниҳоятда муҳим. Тайёрланаётган мутахассислар олий таълимнинг жаҳон андозасидаги талабларига жавоб бериши, ўз соҳаларини мукаммал билишларига эришиш лозим. Айни пайтда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, моддий базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бунинг ҳисобига ўқув, илмий лабораторияларни замонавий ускуналар, компьютерлар билан жиҳозлаш, бозор иқтисодиёти шароитида талабаларнинг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва бутун жамоанинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш ҳам муҳимдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, мутахассислар тайёрлаш шартномавий усулига ўтиш орқали ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш ва бу борадаги илмий-услубий изланишларни ташкил қилишда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалиёт ва ишлаб чиқариш билан алоқаларни кучайтириш мақсадида республикамизнинг йирик саноат корхоналарида ихтисослик кафедраларининг шохобчаларини ташкил этганмиз. Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Фан-техника ижодий маркази, талабалар академияси, иқтисодий таҳлил бюроси, кафедралар қошида очилган тўгаракларга жами мингдан ортиқ талаба жалб этилган. Институт кафедралари қошида ташкил қилинган кичик корхоналарда ҳам студентлар ўз қобилиятларини синаб кўриш, назарий билимларини амалиётда намойиш этиш имконига эга бўладилар.

Олимларимиз кўп йиллардан буён республика фани равнақига ўз улушларини қўшиб келяптилар. Кейинги беш йил давомида кафедра лабораторияларида саноат ҳамда илмий-текшириш институтлари буюртмаси бўйича етти миллионга яқин хўжалик-шартнома ишлари бажарилди. Шунингдек, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан 16 миллион сўм фойда кўрилди. Ғўзага ишлов бериш машиналари ва узлуксиз линиялардаги технологик жараёнлар бўйича назарий асослар яратиш, кийим-кечак, пойабзал ва газламаларнинг минтақамиз иқлимига мос турларини яратиш, тўқимачилик ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, кимёвий ва тўқимачилик иплари ҳамда толаларни ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва пахта тозалаш соҳасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича назарий асосларни яратиш келгусида тинимсиз меҳнат қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда олдимизда турган муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун бўлажак мутахассислар, институт талабаларини ҳам жалб қилишимиз лозим. Бунинг учун аввало, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш керак бўлади. Жумладан, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида уларни рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли, қобилиятли ёшларни аспирантура ва докторантураларда ҳамда хорижда ўқишларини таъминлаш учун «Истеъдод» саховатли жамғарма фонди тузилди. Ҳомийларимиз — йирик корхоналар унинг ҳисоб рақамига баҳоли қудрат ўз маблағларини ўтказмоқдалар. Натижада талабаларимизга бепул нонушталар ,имтиёзли овқатлар ташкил этдик. Ёшлар учун кафе-бар очилди, даволаш оромгоҳи қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Институтимиз юбилейи миллий истиқлол куниии оргиқиб кутган, ота-боболаримизнинг орзу-умидлари рўёбга чиққан вақтга — Ўзбекистон мустақилликка эришиб, кўплаб хорижий давлатлар, халқлар, ташкилотлар томонидан тан олинган бир вақтга тўғри келди. Қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг ўз Конституцияси, байроғи, герби ва давлат мадҳияси қабул қилиниши илм маскани учун ҳам қўш байрамдир.

Ҳ. АЛИМОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори, профессор.
А. АБДУҒАФФОРОВ,
ректор ўринбосари.

ИСТИҚЛОЛНИ ҚЎЛЛАГАН ҚОМУС

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ М. РАСУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Маҳмуджон Мўминович, яқинда Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Уни айнан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси арафасида ўтказишдан мақсад нима эди?

— Мустақил республикамиз Олий Кенгашининг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий воқеадир. Бу сафарги сессия кун тартибига ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама учун киритилган эди. Айнан шу туфайли ҳам Марказий Кенгашимизнинг пленумини Республика Олий Кенгашининг XI сессияси арафасида ўтказдик. Унда Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳининг ушбу лойиҳа юзасидан сиёсий нуқтаи назарини ишлаб чиқдик. Бунда партиямизнинг турли даражадаги ташкилотларида ўтказилган йиғилишлар, пленумлардаги муҳокамалар чоғида билдирилган минглаб фикр-мулоҳаза ва таклифларга таянди к.

— Депутат сифатида сессиядан олган таассуротларингиз қандай?

— Аввалambор, мазкур сессиянинг ҳар қачонгидан кўра ишчанлик руҳида ўтишига сабаб унинг муҳокамасига қўйилган масалаларнинг аксарият қисми анча олдиндан умумхалқ муҳокамасига қўйилган, мутахассислар ва депутатларимиз томонидан пухта ўрганилиб, тайёрланган эди. Қолаверса, биз, депутатлар икки йил бирга ишлаб, ниҳоят, энди бир-биримизни яхши тушуна бошладик. Бунинг устига бозор иқтисодиётига ўтилаётган қийин паллада мустақил давлатимиз, халқимиз олдидаги масъулият ҳам ҳар биримиздан халқ манфаатларини устивор қўйишни талаб этади. Шунинг учун депутатларимиз сессияда кўрилаётган ҳар бир масалага жиддий ва тушуниб ёндошдилар. Айниқса, бундан буёнги истиқболимизни кўп жиҳатдан белгилаб берадиган энг асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси лойиҳаси ана шундай руҳда муҳокама қилинди. Бунда Олий Кенгашдаги депутатлар партия гуруҳининг ҳиссаси катта бўлди. Зеро, биз кейинги пайтларда улар билан ҳар бир сессия олдидан Марказий Кенгашимиз пленумида маслаҳатлашиб олаётганимиз ҳам ўзининг яхши самарасини беряпти.

— Партия аъзоларининг Ўзбекистон биринчи Конституцияси матнида ҳисобга олинган таклифларидан бир-икки мисол келтириш мумкинми?

— Конституция лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида партия ташкилотларидан, партия фаолларидан минглаб амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ана шу таклифларнинг кўпчилик қисми янги Конституциянинг кўпгина моддаларида ўз аксини топди. Масалан, Конституцияда хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини ифодаловчи модда бўлиши кераклиги партиямиз Марказий Кенгашининг пленумида қўйилган эди. Бу таклиф Конституциядан алоҳида модда сифатида ўрин олди. Фуқароларнинг илмий-техник ва бадиий ижод эркинлиги ҳуқуқининг эътироф этилиши ҳам бизнинг саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

— Маҳмуджон ака, ниҳоят ҳар ва озод Ўзбекистонимиз биринчи Конституцияси қабул қилинди. У сизни қаноатлантирадими?

— Шахсан мен мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинганидан беҳад бахтиёрман. Асосий Қонунимизнинг матни мени тўла қаноатлантиради. Зеро, у билан лойиҳалигидаёқ танишиб чиққан дунёга таниқли хорижлик ҳуқуқшунослар Конституциямизнинг жаҳон андозаларига мос келишини тан олдилар. Мен уни мустақиллигимизни таъминлашнинг бош омилларидан бири, деб биламан. Биз учун эндиги муҳим вазифалардан бири — бошқа барча қонунларимизни ҳам янги Конституция асосида қайта ишлаб чиқишдан иборатдир.

Бу тарихий сессияда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси мамлакатимизда демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришнинг ишончли гарови ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканлигини ҳисобга олиб, биз сессия тугаши биланоқ Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказдик. Унда Конституциянинг республика ҳаётида ва жамиятимиз тараққиётида тутадиган беқиёс аҳамиятини, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг XI сессияда қилган маърузаси мазмунини партия аъзолари, кенг халқ оммасига атрофлича тушунтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Барча даражадаги партия кенгашларига Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси ҳамда сессиядаги маъруза матни ва мазмунидан ўз тарғибот, ташвиқот, сиёсий-тарбиявий ишларида самарали фойдаланиш топширилди. Бу ишга биз партия ходимлари билан бирга таниқли ҳуқуқшунос, жамиятшунос олимларимизни ҳамда партиямиз аъзоси бўлган Ўзбекистон халқ депутатларини жалб қиляпмиз.

— Маълумки, ҳозир муҳим сиёсий тадбир — партияга аъзолик билетларини топшириш давом этяпти. Шу ҳақда нима дея оласиз?

— Ҳақиқатан ҳозир партияга аъзолик билетларини топшириш қизғин бормоқда. Шу кунга қадар 270 мингдан зиёд аъзоларга партия билетлари топширилди. Бу тадбирни яқин орада ниҳоясига етказишни мўлжаллаяпмиз.

Партиямиз аъзоларининг истакларини ҳисобга олиб, 1-рақамли партия билетини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Каримовга топширдик.

Биз партияга аъзолар қабул қилишда ҳар бир номзоднинг сиёсий эътиқоди, инон-ихтиёрини ҳисобга олмоқдамиз. Қайси йўл, қандай сиёсий нуқтаи назарга эга бўлиш ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳишидир. Биз партиямизнинг миқдорий эмас, балки сифат жиҳати тўғрисида қайғурамиз. Бироқ, гап шундаки, республикамиз учун ниҳоятда масъулиятли ва айни пайтда мушкул бўлган ўтиш даврида ҳар бир фуқаро, айниқса, масъул раҳбарлар ўз сиёсий йўлини аниқ танлаб олиши лозим. Бу муҳим аҳамиятга эга. Иккиюзламачилик, пайт пойлаш, ўз мустақил фикрига эга бўла олмаслик умумий ишимизга путур етказиши турган гап.

Ўрни келганда шуни айтиб қўйишим керакки, кейинги пайтда бизнинг партиямиз сафларига кўплаб имон-эътиқодли ёшлар келиб қўшилмоқда. Улар бизнинг сиёсат — халқимиз, Ватанимизнинг равнақ топишига қаратилган, узоқни кўзлаган йўл эканлигига амин бўлмоқдалар.

— Ҳозирги кунда сизни жамиятимиз ҳаётидаги қандай иллатлар ташвишга соляпти?

— Партиямиз раҳбар ходимларининг жойларда меҳнат жамоаларидаги кўплаб учрашувларидан маълум бўлмоқдаки, халқимизни бозор иқтисодиётига ўтишдаги қийинчиликлар эмас, балки кўпроқ жиноятчиликнинг авж олиши безовта қилмоқда. Бу гапларда жон бор, Шу йилнинг дастлабки тўққиз ойида оғир жиноятлар қилиш, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талон-торож қилиш бирмунча ўсган. Шу боисдан ҳам биз кейинги пленумимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ишига мутасадди бўлган идораларга ўзимизнинг тегишли муносабатимизни қатъий билдирдик.

Ҳукуматимизнинг бу соҳа билан шуғулланувчи аъзолари жиноятчиликни камайтириш борасида ўз ишларида кескин ўзгаришлар ясашлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан депутат сифатида муштарийларимизга айтадиган қандай тилакларингиз бор!

— Узбекистоннинг биринчи Конституцияси она диёримизнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас ва мўътабар ҳужжатдир. Аввало, унинг ҳар бир сатрини турмушимизга тадбиқ этишда уларга омад тилайман. Айни вақтда ҳар бир фуқарони ушбу ҳужжат талабларига сўзсиз риоя қилишга даъват этаман. «Ўзбекистон овози» газетамиз муштарийларининг, фуқароларимизнинг хонадонларига тинчлик, осойишталик, тўкинлик тилайман. Шунингдек, мустақил давлатимизнинг, эркли халқимизнинг янги Мадҳияси билан ҳаммангизни муборакбод этаман!

Журналист Олимжон НАЗАР суҳбатлашди.



Хўжалик ҳисобида иш юритилаётган Тошкент район бўрдоқичилик базасида ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олишини яхши билади. Боқувга қўйилган молларни қанчалик яхши парваришланса, кўпроқ семиртиришса олади-ган маошлари салмоғи ҳам залворли бўлади.

Боқувдаги олти юз эллик бош қорамолни фақат беш молбоқар парваришламоқда, Иш жараёни тўла механизациялашган. Яъни молларга озуқа беришдан тортиб, то тагини тозалашгача бўлган иш жараёни техника кўмагида бажарилади. Шу кеча кундузда юз бош йирик қорамол бўрдоқига боқилиб, улар кунига саккиз юз — тўққиз юз граммдан семиртиришга эришилмоқда. Шу ой охирида бу молпар гўштга топширилади, бу эса чорвадорларнинг шаҳарликлар дастурхонига Янги йил совғаси бўлади.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор механизатор Аҳрор Шамшиҳўжаев. 2. Молларни озиқлантириш пайти.

А. ЗУФАРОВ олган суратлар. [ЎзА].

ДУНЁ ОВОЗИ

ТАШРИФ МУДДАТИ АНИҚЛАНМОҚДА

● **Миср Араб Республикаси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳамкорлиги қайта тикланмоқда.**

Украина Президенти Леонид Кравчукнинг Мисрга келиши кутилмоқда. Унинг Нил соҳилидаги ўлкада бўлиши 21—23 декабрь кунларига мўлжалланган. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг ташрифи эса келгуси йилнинг январь ойига мўлжалланган.

Айни чоғда Миср Президенти Ҳусний Муборакнинг Москвага ташрифининг янги муддатлари ҳам аниқланмоқда. Маълумки, Миср Президенти октябрь ойида Россияга сафар билан келиши мўлжалланган эди. Аммо мамлакатда бўлиб ўтган кучли зилзила туфайли бу ташриф кечиктирилди.

ЙИЛ ШИОРИ: «ТУРК ХАЛҚЛАР — ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК»

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 1993 йилни туб жойли халқларнинг халқаро йили деб эълон қилди.**

Бош ассамблеянинг ялпи мажлисида овоз беришсиз қабул қилинган якунловчи ҳужжатда шу ҳақда қарор қилинди. Йил давомида турли учрашувлар ва анжуманлар ўтказиш кўзда тутилади.

РАСМАН ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

● **Сальвадор пойтахтида расман тинчлик ўрнатилганлиги муносабати билан тантанали маросим бўлди.**

Маросимда БМТ Бош котиби Бутрос Гали, ўттиздан зиёд давлатнинг президентлари ва расмий вакиллари иштирок этдилар. Ўн икки йил давом этган фуқаролар уруши оқибатларини бартараф этиш ниҳоятда оғир жараён бўлажагини ҳаёт кўрсатди. Шунинг учун ҳам миллий ярашув сари қадам қўйилди.

МЕТЕОРИТ ТУШДИ

● **Японияниг Симани префектурасидаги Михоносики шаҳрида яшовчи 54 ёшли хизматчи Масару Мацумото уйига метеорит тушди.**

Фазовий жисмни оғирлиги тахминан 6,5 килограмм келади. Бахтли тасодиф туфайли оила аъзоларидан ҳеч ким жароҳатланмади. Уйнинг томини тешиб ўтган жисм бинонинг пойдеворига чуқур кириб кетганлиги маълум бўлди. Япониялик мутахассислар метеоритни пухта ўрганиб чиқишни кўзлашмоқда.

ҲАРОРАТ ПАСАЙИБ КЕТДИ

● **Болқон ярим ороли томонларидан эсаётган совуқ шабада Туркия чегараларигача етиб келди.**

Мамлакатда ҳарорат кескин пасайди, ёғингарчилик миқдори меъёридан ортиб кетди. Айниқса, Анқара шаҳрида қор кўп ёғди. Бунинг натижасида транспорт ҳаракати издан чиқди. Шаҳар кўчаларини қордан тозалашга киришилди.

ТОКИОДА УЧРАШУВ

● **Россия саноатчилари ва тадбиркорлари иттифоқининг намояндаси А. Вольский Япония бош вазири К. Миядзава билан суҳбатлашди.**

Бош вазир Россия Президенти Б. Ельциннинг Токиога ташрифи яқин ойлар ичида бўлишини ёқлаб гапирди. У мулоқот вақтида фақатгина мамлакатларнинг территориялари хусусида эмас, балки иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳақида ҳам фикр алмашинилади, деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва хорижий мамлакатлар рўзномалари хабарлари асосида тайёрланди).

Инсоф сари барака!

ДЕҲҚОН ДАРДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЛОВАСИ 1992 йил 18 декабрь, жума № 6

● БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ ҚУРМОҚЧИ ЭКАНМИЗ, БОЗОР ХИЗМАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН УСТУН ЙЎНАЛИШДИР. РИВОЖЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАРМОҚЛАР — ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТАРМОҒИНИ ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИ, АУДИТ, СУҒУРТА ВОСИТАСИ ВА БИРЖА ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРМАЙ ТУРИБ МАЪРИФАТЛИ БОЗОР САРИ АНИҚ ҚАДАМ ТАШЛАШ ТЎҒРИСИДА ГАП ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС.

Ислом ҚАРИМОВ.

О, ОСИЁ БОЗОРЛАРИ

О, Осиё бозорлари:
Даллолларин виқорлари,
Оппоқ соқол атторлари,
О, Осиё бозорлари...

Истанг, бари топилади.
Қуш сути ҳам сотилади.
Айтинг, ўзи не йўқ бунда,
Ҳоҳланг кундуз, ҳоҳланг тунда...
О, Осиё бозорлари.

Бозор эмас — бир чорбоғдек,
Олмалари — ошқовоқдек!
Узумлари суюқ асал,
Ширмойи нонлари — ғазал.
Бари танҳо, бари гўзал —
О, Осиё бозорлари!..

Сўранг, Сибир чўпонидан,
Суви қочиб даҳанидан,
Бозор кезиб кетмайман дер,
Қовун қоқни пўчоғла ер...
О, Осиё бозорлари!

Манов меҳмон хориждан келди,
Фориш данмас — Парижданмиш.
Чўпи билан ер кишмишлар,
Анорни арчмасдан тишлар.
Нима дейсиз — шундай ишлар!...
О, Осиё бозорлари!

Бағрингдан файз аримасин,
Даллолларинг қаримасин.
Расталаринг тўлиб турсин,
Барака ёр бўлиб юрсин.
О, Осиё бозорлари!

Мақсад ЯХШИЕВ.

Ўзаро савдолашувчилар то ажралишгунча ихтиёрлидирлар (савдони бузиш ҳуқуқига эгадирлар). Ҳар иккиси тўғри сўзлаб, мол айбини ошкора айтиб савдо қилсалар, савдолари баракали бўлур. Агар ёлғон гапириб мол айбини яширсалар, савдонинг баракаси йўқолур.

(«ҲАДИС»дан).

БУХОРОДА ИТАЛИЯ КОРХОНАСИ

Маълумки, «Тошкент — Коттон» ва Италиянинг «Карера» қўшма корхоналари Оқ олтин ва Задарё районларида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишганди. Яқинда ушбу ширкатларнинг яна бири — «Чақмоқ» фабрикаси Бухоро районининг Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги ҳудудида ишга туширилди.

— Янги корхонада бир сменада 1300 тагача бежирим эркаклар кўйлаги тикилади, — дейди фабрика директори Аҳмадбек Кароматов. — Келгусида ўзимизда етиштирилган пахта хом ашёси бошқа жойга жўнатилмасдан шу ерда тайёр маҳсулот бўлиб чиқади. Бунинг учун йигирув-тўқув цехини қуришга киришяпмиз.

«Чақмоқ» фабрикасининг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, «Карера» ширкати президенти Эмильо Такилло қатнашдилар.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилишда жонбозлик кўрсатаётган Ғаллаорол туманидаги 50-автокорхона ходимларини алоҳида тилга олиш жоиздир. Бу корхона меҳнаткашларининг иш фаолияти ҳақида гап кетганда, туман ҳудудида истиқомат қилаётган барча ёшу қарилар илиқ сўз билан тилга олишади. Корхонада 269 киши меҳнат қилади. Шулардан 184 нафари ҳайдовчилар, 54 нафари таъмирловчи усталар, қолганлари ишчи-хизматчилардан иборат.

— Ҳозирги қимматчилик ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари танқис бўлиб турган бир вазиятда автокорхонамиз ходимлари ўзларининг намунали томонларини кўрсатишмоқда, — дейди автокорхона директори Султон Мустафоқулов. — 40 та автобус, 31 та такси, 81 та юк машиналаримиз мавжуд. Бундан ташқари узоқ йўлларга қатнайдиган «Қўйтош — Тошкент», «Ғаллаорол — Тошкент», «Маржонбулоқ — Тошкент» каби автобусларимиз жадвал бўйича тинимсиз қатнаб турибди. Утган йил охирида Фарғонадан уч вагон бензинни арзон нархда 7 сўм 68 тийиндан олиб келган эдик. Натижа ёмон бўлмади. Ёқилғи сўраб то ҳозиргача ҳеч жойга югурганимиз йўқ.

Тадбиркор раҳбарнинг сўзларидан кўриниб турибдики, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхона ишларининг сусайишига йўл қўймаяпти. У кишидан транспорт эҳтиёт қисмларининг қимматлашиб кетаётганини, қимматлашса ҳам топиб бўлмаслигини сўраганимизда, Киров шаҳри билан алоқа боғлаб енгил ва оғир юк ташувчи машиналарнинг эҳтиёт қисмлари, шиналарини арзон нархларда олиб келаётганини батафсил сўзлаб берди.

— Халқ хўжалик юкларини ташиш режаси 676 минг сўм эди. Бу режани биз 9 ойдаёқ 682,1 минг сўмга ортиғи билан бажардик. Йўловчиларни ташиш режаси 7,5 миллион сўм эди. Буни ҳам муддатидан уч ой илгари 7,6 миллион сўмга 107 фоизга бажардик. Натижада автокорхонамизда меҳнат қилаётган ҳайдовчи ва ишчиларнинг ўртача иш ҳақи ёмон бўлмади. Масалан, ҳайдовчилар 10,5 минг, таъмирловчи ишчилар 14,3 минг, техник ходимларимизнинг иш ҳақини 12,5 минг сўмга кўтардик, — дейди шу корхона бош иқтисодчиси Абдуқаҳҳор Абдувалиев.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган нақл бежиз айтилмаган экан. Дарҳақиқат, яқинда корхона раҳбарияти ишчиларнинг саломатлигини ўйлаб Ғалла орол давлат хўжалиги марказидан дам олиш биноси барпо этди. Ҳар бир хонага газ, иссиқ-совуқ сув, рангли телевизор ўрнатилди. Энди ҳар бир ишчи ва ҳайдовчилар меҳнат таътилига чиққанларида дам олиш учун узоқ жойларга бориб юришмайди.

С. ШАРОФОВ.

ЙЎҚ, БУНГА КЎНИКИБ БЎЛМАЙДИ

Кундан кунга озиқ-овқат дўконларига киришга кишининг юраги бетламай қоляпти. Нарх-наво ҳайратомуз тезлик билан осмонга сапчимоқда. Амалда бунга кўникиш мумкин эмас. Чунки, ҳар тонг ўзининг кутилмаган «совға»ларини инъом этаётир.

Шу маънода ўтган давр, айниқса Россия учун янгиликка айланмайди. Айрим маҳсулотларнинг, масалан, ёғнинг нархи Москвада қарийб 40 фоиз, Санкт-Петербургда эса 20 фоизга ошди. Бу гал мухбирларимизнинг жойлардан юборган ахборотлари ҳеч қандай шарҳсиз келди. Бундай қараганда шарҳнинг ҳожати ҳам йўққа ўхшайди. Энг яхшиси бозорга бир марта бориб кўринг-у, у ёғига ўзингиз баҳо бераверинг.

Қуйида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги жумҳуриятлари бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 10 ноябрдан 9 декабргача бўлган муддатда қандай ошганлиги келтирилади.

МОСКВА: оқ нон — 21—35 сўм; сут—20—50 сўм (10 ноябрда 14—30 сўм эди); тухум — 75—100 сўм (60—65 сўм); ёғ — 390—700 сўм (330 сўм); гўшт — 200 сўм.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ: оқ нон — 11—31 сўм; сут — 33 сўм 50 тийин (26 сўм); тухум — 92—110 сўм (120 сўм); ёғ — 450—550 сўм (450 сўм); гўшт — 200 сўм.

МИНСК: оқ нон — 11—50 сўм, (13 ноябрда — 11—35 сўм эди); сут — 5 сўм 50 тийин; тухум — 80—90 сўм; ёғ — 240 сўм (120 сўм); гўшт 100—230 сўм.

ТИБИЛИСИ: оқ нон — 30—100 сўм; сут — 80 сўм, тухум — 250—300 сўм; ёғ — 700—750 сўм; гўшт — 300—400 сўм.

КИЕВ: оқ нон — 7 сўм; сут — сотувга чиқмади; тухум — 173 сўм; ёғ — 10 декабрдан бошлаб алоҳида рўйхатлар бўйича ва паспортга қараб сотилмоқда; гўшт — 176 сўм.

ОЛМАОТА: оқ нон — 9—15 сўм; сут — 24—26 сўм (10 ноябрда 17—19 сўм эди); тухум — 62 сўм; ёғ — 288 сўм — 345 сўм (238 сўм); гўшт — 125—180 сўм.

КИШИНЕВ: оқ нон — 28—32 сўм; сут — 3 сўм; тухум — 180 сўм (108 сўм); ёғ—230 сўм; гўшт—128 сўм.

ДАРВОҚЕ...

Россия Президенти 1992 йил 30 октябрда Астраханда бўлганида халққа нарх-наво барақарорлашади, деб ваъда берди. Ваъда қилинган муддат — 1993 йил 30 январгача 47 кун қолди.

(«Правда», 1992 йил 15 декабрь).

ТУРФА ДУНЁ

● Канадада шу йил 1 ноябрдан буён давом этаётган умуммиллий қурол топшириш кампанияси яхши натижалар бермоқда. Адлия вазири Ким Кэмпбеллнинг айтишича, ноябрь ойидаёқ 12 мингдан ортиқ турли хилдаги ўт очиш қуроллари полиция маҳкамаларига топширилди. Бу 14 йил аввал ўтказилган худди шундай тадбирда топширилган қуроллардан икки баравар кўпдир.

● Японлар орасида бўш вақтини пул топишга эмас, балки дам олишга бағишлашни маъқул кўрувчилар кўпайиб бормоқда. Умумяпон хусусий сектор ишчиларининг касаба иттифоқи уюшмаси томонидан ўтказилган жамоатчилик сўрови натижалари билан танишгач, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Утказилган сўров якуни яна шуни кўрсатдики, Японияда ижтимоий қонун-қоидаларга бўлган муносабат аста-секинлик билан ўзгариб боряпти. Сўнгги икки йилда эркак оилани боқиши, аёл эса уй ишлари билан шуғулланиши керак, деб ҳисобловчилар кескин камайган.

● Руминия президенти Ион Илиеску суяк раки билан касалланган 14 ёшли қизчанинг ота-онасига 75 минг франция франки тақдим қилди. Адриане Пуйке исмли қизчани Франциядаги ягона ихтисослаштирилган касалхонада шошилинч операция қилиш зарурлиги тўғрисида эълон «Тинеретул либер» рўзномасида босилиб чиққан эди.

Бу инсонийлик ташаббусига мамлакат ташқи ишлар вазири Теодор Мелешкану ҳам қўшилди. У Руминиянинг Франциядаги элчихонасида она-боланинг бепул яшаб, бепул овқатланишини ўз зиммасига олди.

● Тель-Авив полицияси Исроилга кўчиб келган ёш эр-хотинни ҳибсга олди. РАТА-ТАСС мухбирининг «Маарив» рўзномасига асосланиб хабар беришича, 20 ёшли Антон ва Анна Ошкевичлар Россиядан Исроилга кўчиб кетишга имкон берадиган қалбаки ҳужжатларни тайёрловчи гуруҳга бошчилик қилганликда айбланмоқда. Қаллобларга қарши курашувчи бўлим ходимлари бу ёш келин-куёвни маҳаллий босмахоналардан бирида Россия ички ишлар вазирлиги муҳридан нусха кўчираётган пайтда ҳибсга олди. Қўлга олинганлардан топилган бундай муҳрнинг ҳақиқийси улар тайёрлайдиган ҳужжатларни «тасдиқлаш» учун хизмат қилган. Ошкевичларнинг уйи тинтув қилинганда, бир қатор қалбаки муҳрлар ва ҳали ҳеч кимга ёзилмаган муҳожирлик паспортлари ва шахсий гувоҳномалар топилди.

[ЎзА].

ТОШКЕНТ ДУРАДГОРЛИК БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ

Корхоналарга, ташкилотларга, кичик корхоналарга ва аҳолига қуйидаги янги маҳсулотларни чекланмаган миқдорда сотади





Боғбоп стол, суянчиқли стул, болалар столи, болалар стулчаси, тўғри бурчакли шаклда ва оёқчали қисмларга бўлинадиган тахта, юза қисми (шпонли) лакланган ДУ—21—9 эшик блоки, юза қисми (шпонли) лакланган ДО—21—9 эшик блоки, дераза, ОС—15—9А дераза блоки, ОС—18—9 А дераза блоки.

Ҳақ нақд пул тўлаш, пул ўтказиш ёки чек орқали амалга оширилади.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 104-уй.

Телефонлар: 48-46-85, 48-09-96.







Жамғарма банки

30 декабрь соат 10.00 да

ТОШКЕНТДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ

УЧИНЧИ ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг! Янги йил арафасида энг йирик ютуқ 250 000 сўм сизга насиб этса ажаб эмас.

Заём облигациялари Жамғарма банкининг барча муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

ОДАМЛАРГА ЁҚИШНИНГ ОЛТИ ҚОИДАСИ

1-қоида: Одамлар билан доимо яхши муносабатда бўлинг.

2-қоида: Табассумни дариғ тутманг.

3-қоида: Ёдингизда бўлсин: ҳар бир одам учун ҳар доим энг ёқимли эшитиладиган сўз — унинг ўз исмидир.

4-қоида: Сабрли тингловчи бўлинг. Одамларнинг ўзлари ҳақида оддийроқ гапиришларига имкон беринг.

5-қоида: Кўпроқ суҳбатдошингизни қизиқтирадиган нарсалар ҳақида гапиринг.

6-қоида: Суҳбатдошингиз қадр-қимматини юқори тутишингиз муомалангиздан билиниб турсин.

Дейл КАРНЕГИ.

ДИҚҚАТ!

«АРЗОН, ЧАКАНА НАРХДА:

Россия — Америка университетининг жаҳоннинг энг яхши намуналари асосида тузилган ажойиб нашри — РЕГИСТР сотилади. Унда МДҲ давлатларидаги 28 мингдан ортиқ мамлакатлар ва уларнинг моллари, хизмат турлари тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд.

РЕГИСТР ёрдамида зарур маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонани осон топишингиз ва тез алоқа қилишингиз мумкин. Алоқа учун телефонлар: қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефонлар: 39-17-78.



Кўрк йўқ деманг катта шаҳарда,
Файз дегани бунда ҳам бисёр.

Узун кўча, узун уйлар ва
Тошкентда ҳам узун сочлар бор..!

АҚЛ ҲАҚИДА

● Ҳаёт сўлмайди, асл ўлмайди.

● Бир дононинг ишини минг нодон тушунмайди.

● Ақл бўлмаган уй қуёшсиз осмонга ўхшайди.

● Аҳмоқ одам ақлли одамдан қочиб юради.

● Ақлнинг узуни яйратар, Тилнинг узуни қийратар.

● Ҳар қандай яра битиб кетади, лекин нодонликни тузатиб бўлмайди.

БАЙТ:

Бало дарди эрур аҳмоқу нодон,
Унга йўқ ҳеч қандай дорию дармон.

● ҲИКОЯТ: Бир дарвешнафс одам донони учратиб сўради:

— Ҳаётда шунча юрдим-у бирор тарбиячи топмадим, менга ким устозлик қилади?

— ДОНО АЙТДИ:

— Устоз тополмаган бўлсанг, ҳаётдан ўрган.

Энг одил устоз ҳаётдир. Шоирнинг мана бу байтини ёдингда тут:

Кимки ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ОТА-ОНА ҲАҚИДА

● Она — боғбон, ота чароғбон.

● Дуру гавҳарнинг баҳоси бўлади, ота-онанинг эса ҳеч баҳоси йўқ. Улар икки жаҳон ҳазинасидан ҳам қимматдир.

● Ота-она дилини оғритган фарзанд ҳаётда ўнгмайди, рўшнолик кўрмайди.

● Она алласи дунёдаги энг ёқимли қўшиқ.

● Отанинг фарзандига айтган аччиқ панд насиҳати болдан ширин.

● Ҳеч бир ота-она фарзандим ёмон бўлсин демайди, шунинг учун улар кўрсатган йўлдан борилса, бахт эшиги очилади.

• Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт •

Суҳбатдошимиз ҳақида маълумот: Дониёр ЗАҲРИТДИНОВ—32 ёшда. Олий маълумотли мутахассис. Илк фаолиятини оддий темирйўлчиликдан бошлаган. Ҳозир у Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси «Тошкент» йўловчи пассажир станциясининг бошлиғи.

— Дониёр Ғуломович, бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан халқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан иқтисодиётнинг қон томири бўлган темир йўл транспортида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган йўловчи станциясида бу борада янгиликлар борми?

— Албатта, ўзгаришлар анчагина. Аввало, шуни айтиш керакки, республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг биз, темирйўлчилар ҳам ўзимизни эркин сеза бошладик. Айни пайтда масъулият ҳисси ўн-юз карра ортди. Чунки тармоққа оид масалаларни мустақил равишда ҳал қиладиган бўлдик.

Маълумки, темир йўлга тегишли барча юмушлар илгари марказлашган тарзда собиқ Иттифоқ юқори идоралари орқали бажариларди. Ўтган йилдан бошлаб эса Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг Ўзбекистон ҳудудидаги бўлинмалари республика ихтиёрига ўтказилди. Бироқ биз якқаланиб қолганимиз йўқ. Қардош республикалар ҳамда МДҲдаги бошқа давлатлар темирйўлчилари билан ҳамкорликда барқарор иш фаолиятини йўлга қўйганмиз.

Айниқса, йўловчи ва юк ташишда ўзаро келишув битими қўл келмоқда. Ҳозир темир йўлдаги асосий берди-келдимиз МДҲ давлатлари билан бўляпти. Ҳар куни мустақил мамлакатимизга темир йўл орқали минглаб меҳмонлар, сайёҳу ишбилармонлар ташриф буюрмоқда.

— Шу ўринда ростини айтиб қўя қолайлик: бугунги кунда узоқ манзилга отланган йўловчи учун энг мақбул транспорт воситаси поезд бўлиб қолмоқда...

— Биласизми, бунинг сабаби нимада? Боиси — бошқа транспорт воситаларига нисбатан темир йўл хизматидан фойдаланиш йўловчиларга анча арзон тушяпти. Кейин, қулайлигини айтмайсизми? Кечқурун поездга чиққан одам эрталаб кўзлаган манзилига етиб боради.

Тошкентда эса уларни иккита йирик шоҳбекат — Марказий ва Жанубий вокзал ходимлари очиқ кўнгил билан кутиб олишяпти. Мазкур вокзалларда йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Марказий вокзал ёнида «Локомотив» меҳмонхонаси йўловчиларга мунтазир. Вокзал атрофида турли маданий-маиший хизмат объектлари, савдо дўконлари ҳам ишлаб турибди.

Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил олдин «Жанубий вокзал» ишга туширилганди. Уни қуришдан мақсад республиканинг жанубий вилоятларига, қўшни Туркманистон ва Тожикистон йўналишида қатнаётган кишиларнинг узоғини яқин қилишдан иборат эди. Мана, ният холис экан, эндиликда йўловчиларнинг катта қисми шу вокзалдан йўлга чиқмоқда.

Дарвоқе, ҳар икки вокзалда, шунингдек, пойтахтнинг «Пролетар» кўчасида олдиндан чипта сотиш кассалари фаолият кўрсатяпти. Бу ердан йўловчи 45 кун илгари чипта харид қилиши мумкин. Фуқароларнинг уйига буюртма асосида чипта олиб бориш хизматини ҳам ташкил этганмиз. Бундай имтиёзли хизмат фаолиятидан, айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар ва кекса кишилар хурсанд бўлишяпти.

— Бироқ баъзи ҳолларда йўловчиларнинг чипталарини кўнгилхираликларга, кассирларнинг қўпол муомалаларига ҳам дуч келишаётгани рост. Айтинг-чи, бу камчиликларни бартараф этиш мумкинми?

— Ҳозир «Тошкент» йўловчи станциясига қарашли 22 та олдиндан чипта сотиш кассалари бор. Улар фаолиятини тубдан яхшилаш учун тегишли тадбирлар кўрилмоқда. Аввало, кадрлар масаласига эътибор бериляпти. Янги ишга қабул қилинаётган кишиларнинг давлат тилини, миллий урф-одатларни яхши билиши ҳисобга олинмоқда. Очиғини айтганда, бу соҳада бизга миллий кадрлар етишмаяпти.

Олдиндан чипта сотиш кассалари барча ходимлари билан алоҳида суҳбат ўтказяпмиз. Йўловчиларга хушмуомала бўлиш, тегишли рухсати бўлмаса, бир кишига ўнлаб чипта сотмаслик ҳақида қайта-қайта уқтирилмоқда. Ўзбошимчалик билан йўловчидан қўшимча ҳақ ундирмоқчи бўлган ходимларга нисбатан қаттиқ интизомий чоралар кўриляпти. Биргина шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида «пинҳона фаолият» кўрсатишга интилган 14 ходим ишдан бўшатилди.

Айни пайтда барча темирйўлчилар қатори кассирлар маоши ҳам оширилди. Яхши ишлаб, йўловчилар ҳурматига сазовор бўлган ходимлар маошига қўшимча 70—110 фоиз миқдорида ойлик мукофот пули беряпмиз. Бундай манфаатдорлик — ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндошишини тақозо этмоқда.

Лекин, чамамда, чипта сотишдаги кўнгилхираликларни тугатиш учун ноанъанавий чоралар кўриш лозим. Мен шу ўринда тижорат кассалари очилиши тарафдориман. Шундай қилинса, йўловчида танлаш имконияти бўлади, чипталар ҳам бирмунча изга тушади.

— Дониёр Ғуломович, эсингизда бўлса, шу йилнинг июль ойида «Ўзбекистон овози» газетасида «Қайси воқа вокзали?» сарлавҳали мақола босилганди. Унда темирйўлнинг Тошкент шоҳбекатида давлат тили талабларига амал қилмаслик ҳолатлари танқид қилинганди. Мана, қарийб тўрт ой вақт ўтди, аҳвол ўзгардими?

— Мақолада таъкидланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Эндиликда темир йўл станцияларида, шоҳбекатларда, поездларда, темир йўлга қарашли бошқа ташкилотларда ахборот-тижоратлар ўзбек ва рус тилларида баён қилиняпти. Шоҳбекатда радио орқали бериладиган эълонлар ҳам ўзбек тилида олиб борилаётир.

Республика Президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва амалий кўмаги туфайли 1993 йили ҳар икки шоҳбекатни қайта таъмирлашни кўзда тутяпмиз. Бу қайта тиклаш ишлари жараёнида электрон техника воситалари орқали қилинадиган ахборот ва эълонларни давлат тилида олиб боришга мослаштирамиз. Юқорида таъкидлаганимдек, кадрларни ҳам кўпроқ миллий аҳоли орасидан лавозимга тайинлашга эътибор берилади.

Шу ўринда Марказий ва Жанубий вокзалларни қайта таъмирлаш ишлари ҳақида батафсилроқ тўхтаб ўтмоқчиман. Ҳар икки шоҳбекат техник жиҳатдан ҳам қайта жиҳозланади. Жанубий вокзалнинг очиқ қисми бекитилади ва қишда иситиш йўлга қўйилади. Бу ердаги биринчи платформанинг усти ёпиқ бўлади. Марказий шоҳбекат биринчи ва иккинчи платформаларининг ҳам устини ёпиш кўзда тутилган.

Яқин вақт ичида темир йўлнинг Марказий шоҳбекатида Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, ички ишлар органлари учун махсус хоналар қурилади. Хорижий меҳмонларни кутиб олиш учун алоҳида хоналар барпо этилади. Буларнинг ҳаммаси, албатта, мустақиллик шарофати билан бўляпти. Зеро, республика истиқлоғи эришгандан кейин вокзалларимиз ҳам жаҳон андозасига тўғри келиши, қисқаси хоҳ у юртимиз фуқароси, хоҳ чет эллик меҳмон бўлсин — ҳар қандай йўловчини кутиб олишга мослашган бўлиши керак.

— Дарвоқе, Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин темирйўлчилар муаммоларга дуч келмаяптими?

— Биласизми, қаерда иш яхши ташкил этилган бўлса, ўша ерда қийинчиликлар ҳам чекинаверар экан. Илгари бизни техника, транспорт воситалари билан асосан СССР Темир йўллар вазирлигига қарашли Россия корхоналари таъминлашарди. Биз улар билан хўжалик алоқаларини сақлаб қолишга интилдик. Айни пайтда ўзимиз бавосита хорижий мамлакатлардаги ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш йўлларини ҳам қидиряпмиз.

Яқинда Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси Олмониянинг «Вагонбаум» фирмаси билан шартнома имзолади. Унга кўра, немис фирмаси бизга 15 та йўловчи вагонларини етказиб берадиган бўлди. Республикадаги вилоятлар ҳокимиятлари темирйўлчиларга вагонлар ва бошқа техника ускуналари сотиб олишда валюта маблағлари билан ёрдам беришяпти.

Бироқ, очиғини айтганда, муаммолар ҳам талайгина. Масалан, йўловчи вагонларининг катта қисми эскирган. Йўловчи учун зарур бўладиган оқ чойшаб, сочиқ ва бошқа санитария-гигиена буюмлари етишмайди.

Айниқса, йўловчи поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим. Темир йўл билан автомобиль йўллари кесишган жойларда кўпинча хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмайди. Кейинги пайтда эса йўловчи вагонлари ойналарини айрим жойларда фуқаролар (айниқса, ёш болалар) томонидан уриб синдириш ҳоллари ҳам тез-тез учрамоқда. Вилоятлардаги ҳуқуқтартибот идоралари бу масалага жиддий эътибор қаратсалар айни муддао бўлур эди.

Умуман, эндиликда мустақил республикамиз темир йўл ҳақида алоҳида қонуни бўлиши керак. Илгари Иттифоқ қонунига бўйсунардик. Ҳозир «Ўзинг учун ўл етим!» тарзида иш олиб боришга тўғри келяпти.

Менимча, темир йўл мутахассислари ҳуқуқшуносларни, халқ хўжалиги бошқа манфаатдор тармоқлари вакилларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси темир йўли ҳақидаги қонунини ишлаб чиқиб, республика Олий Кенгашининг кейинги сессияларидан бирига халқ нозбари эътиборига ҳавола қиладиган пайт келди. Бундай қонун қабул қилинса, темирйўлчиларнинг ҳам, улар хизматидан фойдаланадиган йўловчиларнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан манфаатлари асосли ҳимоя қилинган бўлур эди.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдошлар:
Аслиддин БОЛИЕВ,
Алишер РЎЗИЕВ,

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

ЁКИ УЗОҚҚА ОТЛАНГАН ЙЎЛОВЧИ НЕГА ПОЕЗДНИ АФЗАЛ КЎРЯПТИ?

ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАРА ТАХТАСИ ТАЙЁРЛОВЧИ ЦЕХЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «МАДАД» КОРХОНАСИ

ёғочни қайта ишлайдиган «ЦД—400» СТАНОКЛАРНИ тайёрламоқда ва ташкилотларга

СОТМОҚДА

«ЦД—400» станоги ёғочларга турли хил ишлов беришга мўлжалланган. Унинг ёрдамида

— РЕЗАНЛАШ (ЙЎНИШ);

— ШАКЛЛИ ФРЕЗЕРЛАШ;

— УЙИШ ВА ШПУТНИ ТАНЛАШ, ПАРМАЛАШ;

— РЕЙСМУСОВЛАШ (АВТОМАТ)

каби ишлар бажарилади.

«ЦД—400» дастгоҳининг афзалликлари шундаки, у ҳар томонлама қулай, фойдадланиш учун осон, таъмирлаш жўн, техникавий хизмат кўрсатишга қулай, ишда пухта, самаралидир.

ШУНИНГДЕК, «МАДАД» КОРХОНАСИ ЮК КУТАРИШ МОСЛАМАЛАРИНИ, ҚУВУРЛАРНИ ҚИРҚИШ, РЕЗЬБА ОЧИШ ДАСТГОҲЛАРИНИ СОТАДИ.

Пул ўтказиш ҳар қандай усулда амалга оширилади. Бартер ҳам бундан мустасно эмас.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700095, Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 17-уй. «Мадад» корхонаси.

Телефонлар: 46-06-73, 46-07-67.

Факс (83712) 46-83-80.

«АНВАР» ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

ҒОЯЛАР СЎРАЙДИ
У СИЗНИ
«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН»
СУПЕР ТАНЛОВИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭНГ ЙИРИК МУКОФОТ! Мукофот жамғармаси: 1000000 сўм.

1-ДАВРА

Шошилинг: мактаб ўқувчисидан тортиб профессоргача, уй бекасидан то ишбилармонларгача — барча кишилар бу танловда қатнашиш ҳуқуқига эга.

БИЗНИНГ ТАЛАБНОМА:

1. Айнан шу давр ва жой учун зарур бўлган кичик ишлаб чиқариш корхонаси, цех ёки фермаларни ташкил этиб, янги дастгоҳ ёхуд ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ғоялари ҳақида тушунчалар бериш.

2. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, машғулотингиз тури, ёшингиз ва ҳоказоларни қизиқарли ва юморга бой ҳолда ёзиб юборинг.

Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади:

1-ўрин — 500000 сўм.
2-ўрин — 300000 сўм.
3-ўрин — 200000 сўм.

1-давра ғолибларини муддатли мукофот совғалар кутади.

Ғолиблар номлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Аризалар бериш муддати 1993 йилнинг 15 апрелигача.

Маълумот учун телефон: (3712) 91-64-12.

Хат — аризалар ва почта орқали 250 сўм пулни қуйидаги манзилгоҳга юборинг: Тошкент, 700074, а/я № 18.

«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН» ТАНЛОВИ»га деб ёзинг.

Жамоа ва ташкилотларга Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Саноат-қурилиш банкидаги ҳисоб рақамларимиз: 000468957 МФО 172682306.

«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН» ТАНЛОВИГА

БУГУН ТАВАККАЛ ҚИЛСАНГИЗ — ЭРТАГА ЮТУҚ СИЗНИКИ БЎЛИШИ МУМКИН!



• *Тадбиркорларга—кенг йўл*

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Фабрика дарвозасидан кирган киши саранжом-саришталикни кўриб баҳри-дили очилади. Бизнесга ортиқча нарсага кўзингиз тушмайди. Умрининг қарийб ярим асрини паррандачилик соҳасини ривожлантиришга бахшида этаётган Лутфулла ака Раҳмонов фабрикага бош. У ҳар бир цехда интизом, ҳатто озуқа омборларида ҳам тозалик бўлишини истайди. Чунки, тозалик бор жойда қут-барака аримайди, дейди у.

Ғаллаорол райони паррандачилик фабрикасига у 1988 йили келганди. Раҳбарликнинг дастлабки кунидаёқ ишни хўжалик фаолиятини тартибга солишдан бошлади. Давлатдан қарз узилди. Соф фойда ойдан-ойга кўпаяверди. Ҳозир хўжаликда 470 минг хўроз, 245 мингта товуқ-жўжа ҳамда 5 мингдан ортиқ бедана боқилмоқда. Тўққиз ойлик натижасига кўра давлатга 410 тонна ўрнига 450 тонна пархез гўшти сотилган. Тухум ишлаб чиқариш эса 47 миллион сўмдан ошди. Ўтган йили якунида 2 миллион 196 минг сўм соф фойда кўрилган эди. Бу йил эса ярим йилликнинг ўзидаёқ 10 миллион сўм фойда олинди. Ютуқларга Раифа Сидаева, Химобуви Эшмуродова, Муҳаббат Холбўтаева сингари товуқбоқарларнинг ҳалол меҳнати эвазига эришилди.

Директор билан фабриканинг бир неча цехини айланиб чиқиб, бирорта эски ускунани учратмадик. Суҳбатдошимнинг айтишича, яқинда ҳаммаси Олмониядан келтирилибди.

— Хорижнинг бу ускуналари бизларга жуда асқотаётир. Ишимизни анча енгиллаштирди, — дейди директор. — Қолаверса ишчи кучи ҳам 1,5 — 2 баробарга камайди. Муҳими, озуқани тежашга яхши экан. Ўзингиз биласиз, ем маҳсулотлари жуда танқис. Топилса ҳам нархи чақади. Яна бир янгилик: яқинда янги цех қурдик. Унда нобуд бўлган паррандалар куйдирилади. Кукуни эса ем сифатида ишлатилади.

Шундан ҳам бир миллион сўмга яқин пулни иқтисод қиламиз.

Раҳбарнинг гапида жон бор. Чунки дон маҳсулотлари корхоналари томонидан паррандачилик фабрикаларига жўнатилаётган емнинг сифати ниҳоятда паст. Оқибатда паррандаларнинг тухум бериши кескин камайган. Бу ҳатто гўштнинг сифатига ҳам таъсир этмоқда. Вилоятдаги учта паррандачилик фабрикасининг иккитаси ёпилиб қолганининг сабаби ҳам шундан. Яна бир муаммо тухум идишларининг республикамизда ишлаб чиқарилмаслигидир. Шу боис, бу хил идишлар Россиядан 4—5 сўм қимматига олиб келинмоқда. Ваҳолонки, буни республикада тайёрлашга имкон бор. Фақат озгина ҳафсала ва қунт қилинса бас. Қисқаси, бу ёғи ушбу соҳага мутасадди раҳбарлар эътиборига ҳавола.

Бош иқтисодчи Муртоза ака Иброҳимовнинг айтишича, фабрикада 520 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси учун яқинда 2 миллион 200 минг сўм ёрдам пули тарқатилди. Бундан ташқари янги йил байрами муносабати билан соф фойданинг 30 фоизини жамоага тарқатиш мўлжалланмоқда. Ўтган йил ўрталарида ёстиқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилганди. Унинг қуввати билан ҳозиргача 10 мингга яқин парёстиқ ишлаб чиқарилди. Бундан олинган фойданинг ҳам 50 фоизи ишчилар ойлигига қўшиб берилаётир.

«Парранда — етти хазинанинг бири» дейди Муртаза ака.

Дарҳақиқат, Лутфулла ва Муртоза акалардек ишбилармон раҳбарлар ҳамда Муҳаббат ва Ҳимобувилардек тиниб-тинчимас қўли гул хотин-қизларимизнинг нияти битта — мустақил республикамиз халқининг ризқига барака қўшиш. Шу боис ҳам улар номини фахрланиб тилга олдик.

Шароф СУЛТОНОВ.

ҲОЗИРГИ КУНДА УЗИНИНГ САВОБ ЙЎЛИДА ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИ БИЛАН КЎПЧИЛИККА ТАНИЛГАН

Руҳий дуогўй табиб Дилбархоним СОБИРЗОДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА ЖОЙЛАШГАН

АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИДА

ЖУМА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00. ДАН 16.00 ГАЧА ИЛОҲИЙ КУЧЛАР ТАЪСИРИДА ЗИКР-САНО УСУЛИ БИЛАН

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Бош оғриғи, бел оғриғи, юрак сиқиши, буйрак-жигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери касалликлари, нафас сиқиши касалликлари билан оғриган беморлар даволаш мобайнида дарддан халос бўладилар.

Булардан ташқари дуо орқали бахт йўли боғланганларга, ҳаётда омади юришмаганларга ҳамда қийинчиликка дуч келганларга бўлиб ўтган ҳаётий масалалар бўйича ёрдам қилади.

Ҳар бир инсонни олдиндан қаери оғриётганини ёки қандай дарди борлигини айтиб беради.

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИГА КЕЛИНГ, ШИФО ТОПАСИЗ!

ТАШКИЛОТ 100 МЛ, 200 МЛ, 400 МИЛЛИГРАММЛИ

ГЕМОДЕЗ

ВА БОШҚА ТУРДАГИ ТИББИЁТ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Камида 10000 шишага буюртма олинади.

Мурожаат учун телефон: 91-18-21.

БИККС

АГАР СИЗ НОЗИК ДИД ВА ЕТАРЛИ МАБЛАҒ СОҲИБИ БЎЛСАНГИЗ ВА СИЗНИНГ ХИЗМАТ БИНОИНГИЗ ТАЪМИРТАЛАБ БЎЛИБ ҚОЛГАН БЎЛСА, ДЕМАК СИЗ БИЗБОП МИЖОЗ ЭКАНСИЗ!

Фақат «БИККС»дагина қуйидаги манзарали пардозлаш элементларининг тўлиқ тўплами бўлиб, уни зарур манзилга элтиб ва ўрнатиб берилади:

ЗАРҲАЛ ВА ОҚ ТУСЛИ АЛЮМИНИЙДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОСМА ШИФТЛАР;

АНСАМБЛГА БЕТАКРОР ЁРУҒЛИК САМАРАСИНИ БАХШ ЭТУВЧИ АЖОЙИБ ШАМЧИРОҚЛАР;

МАРМАР, МАЛАХИТ ВА БОШҚА АСЛ ТОШЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУРЛАРИГА МОС РАНГЛАРДАГИ ВА ҲАР ХИЛ УЛЧАМЛАРДАГИ «ЭКОГРАН» ПАРДОЗЛАШ КОШИНЛАРИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-уй. «Алина» кичик жорий этиш корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 90-94-85, 98-64-53, 68-70-35.

«АЛИНА» КИЧИК ЖОРИЙ ЭТИШ КОРХОНАСИ.

«САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЗОРЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 10. 12. 92. ЙИЛГИ НАРХИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ

(сўм ҳисобида)

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг номи	Бозорлар				Маҳсулот асосий қисмининг сотилаётган нархи	Ўртача баҳоси
	Олой	Эски-жўва	Фарҳод	Қўйлиқ		
1. Картошка	20—30	25—30	25—30	25—30	20—30	25
2. Пиёз	6—10	8—12	10—13	6—15	6—15	10,5
3. Карам	6—8	8—10	6—8	6—10	6—10	8
4. Сариқ сабзи	7—15	8—10	10—12	7—12	7—15	9
5. Қизил сабзи	12—18	15—18	10—15	8—15	8—18	13
6. Саримсоқ пиёз	200—250	190—250	170—220	180—250	180—250	215
7. Қизил лавлаги	15—20	15—20	15—20	12—16	12—20	16
8. Турп	8—10	8—12	8—10	10—12	8—12	10
9. Кўкатлар	40—60	35—50	35—55	50—60	35—60	47,5
10. Хурмо	50—70	50—70	50—70	60—80	50—80	65
11. Олма	40—100	30—100	30—90	30—80	30—100	65
12. Нок	70—150	80—150	60—140	60—150	60—150	105
13. Анор	40—100	50—90	50—90	50—110	50—110	80
14. Узум (ҳусайни)	160—200	200—250	180—200	200—250	160—250	175
ва бошқа турлари	80—130	80—150	80—150	120—180	80—180	130
15. Тарвуз	10—15	10—15	12—15	15—20	10—20	15
16. Қовун	20—25	18—20	18—20	20—25	18—25	21
17. Тухум	80—90	—	85—90	80—90	80—90	85
18. Буғдой	20—23	20—22	—	20—22	20—23	21
19. Гуруч	70—80	65—70	70—80	65—75	65—80	77
20 Мол гўшти	—	160—180	—	—	160—180	170
21. Қўй гўшти	—	250—280	—	—	250—280	265

БЕНЗИН — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ МАЛҲАМИ

Тошкентдаги ёнилғи қуйиш шохобчаларидан бирида мудирлик қилаётган қадрдон оғайним бухгалтерия ҳисоби асосларини ўрганишга астойдил киришди. Таъбир жоиз бўлса, бу йўл эртага Ўзбекистон иқтисодиётининг белгиловчи қиёфасига айланади.

Дўстим ўзининг оғир иши билан хайрлашмоқчи эмас, албатта. Унинг бутун умри шу ерда ўтмоқда. Унча катта бўлмаган шохобча жамоаси жазирама иссиқда ҳам, аёзли қишда ҳам, тунда ҳам, кунда ҳам ишлаб туради. Бу ердагиларга бензиннинг кўнгилни лоҳас қиладиган ҳиди унча қўрқинчли эмас. Дамбадам ёнилғи етишмовчилиги, бундан асабийлашган ҳайдовчиларнинг жиғабийрон бўлиши,

оғир жисмоний меҳнат — ана шундай шароитда ҳар ким ҳам бардош беролмайди.

Лекин ҳаётнинг бутун жабҳаси айланиб-ўргилиб ёнилғи қуйиш шохобчасига келиб тақалаверади. Қурилиш материаллари ортган юк машинаси, «тез ёрдам», маҳсулот юклаган деҳқон, милиция машинаси — хуллас жамики барча соҳа вакилларини бу ерда учратишингиз мумкин.

Яширин нима қиламиз, ўша «турғунлик йиллари»да бензин газ сувдан ҳам арзон турганда соҳа ходимлари қувлик қилишарди. «Чап»дан келаётган юзлаб жилғалар нефть базаларига, нефть маҳсулотлари корхоналарига оқиб келаверарди... Бир томондан одамларни «яширин иқтисодиёт» қонунларига кўра яшашга мажбур қилиш, бошқа томондан эса уларни ғирромликда айблаш ҳам инсофдан эмасдир.

Мен назарда тутган дўстим, унинг минглаб ҳамкасблари интизомли ва ҳалол одамлар эканлигини яхши биламан. Қийин дамларда пешвоз чиқиш, ишонган одамларга панд бермаслик, тижорат бобида ҳамма нарсани тушуниш уларга хос хислат. Назаримда ишчанлик фазилатларини намоён этган бундай одамларга ҳамма вақт ҳам «қора кўзойнак»да қарайвериш ярамайди. Бу борада тарихга бир назар ташласак тўғри бўларди. 30-йилларда Америка иқтисодиётини ислоҳ этишга бел боғлаган Франклин Рузвельт пинҳона бизнеснинг йирик карчалонларини ҳамкорликка чорлаган. Одамлар норози бўлишган, матбуот уни қоралаган, лекин Президент ўз билганидан қолмаган. Ахир бундай одамлар бойиб кетишнинг жамики йўл-усулларини сувдек билишарди-да. Уларга бизнес жабҳасида ошкора иштирок этиш учун етарли шароит яратсангиз бас, иқтисодиёт ўз ўрнидан қўзғаб кетади. Албатта, бу мисолни фақат бир томонлама тушунмаслик керак. Бизнинг ёнилғи қуйиш шохобчаларида унақа устакорлар эмас, оддий одамлар ишлашади. Фақат буларнинг иш шароити оддий эмас. Сунъий тақчиллик ва юқоридан ҳуда-беҳуда тазйиқ ўтказиш суиистеъмоллик учун озиқ берувчи замин яратади. Хўш, ана шу ноқулай вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкин? Ҳар бир устун олдига биттадан милиция қўйиш керакми?

Бозор иқтисодиёти асосларини ўрганишга киришган ишчан ходимлар шохобчанинг бутун жамоаси билан ижарага олишяпти. Бу жойни озода сақлаш, ободонлаштириш ишларига ўз хамёнларидан пул сарфлашаяпти.

Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотлари давлат акционерлик бирлашмаси тизимидаги барча ходимларнинг ихтиёрига нафақат ижарага олиш, балки ўз маблағини ҳам эркин сарфлаш ҳуқуқи берилди. Мазкур бирлашманинг бош директори Анвар Юнусович Хусанновнинг бошида ана шундай янгиликни жорий этиш ташвиши турибди.

У ушбу лавозимга ўтирганига кўп бўлгани йўқ. Лекин Тюмень, Уфа, Омск, Қозон, Челябинск каби шаҳарларнинг нефть қироллари Ўзбекистон учун қулайроқ шароитда маҳсулот тақдим этишларига эришди. Бунақа имтиёзга МДҲ давлатларидан биронтаси ҳам етолгани йўқ. Шу йўл билан биринчи бор бензин, мой тақчиллиги йўқолди. Нарх-навони назорат қилиш мумкин бўлди. Маҳсулотни ташиш, сақлаш ва сотишнинг харажатлари катта бўлганига қарамай ҳамдўстлик мамлакатларининг ўртача даражасида турибди.

Бунинг сири нимада дейсизми?

— Шерикларимиз «Ўзбекистон сўми» деган иборани яхши эслаб қолишган, — дейди А. Хусаинов. — Биз маҳсулот учун бериладиган тўловга шимолдаги нефть қазиш ва қайта ишлаш корхоналари жамоалари учун зарур бўлган молларни киритамиз. Бу фақат сабзавот, мева, консерва бўлиб қолмай, балки ажойиб газламалар, пойафзаллар, совутгичлар, лифт, электр моторлари, кабеллар, радиоэлектроника ҳамдир. Ҳатто Россияликларга Ўзбекистон тасарруфидаги курорт-соғломлаштириш муассасаларида даволаниш имконияти яратишдан ҳам фойдаланяпмиз.

Тармоқнинг бош штабида кашф этилган «Ўзбекистон сўми» бирлашманинг ҳамма жабҳаларида ишлаб чиқилган. Эндиликда бу кичик иқтисодий мўъжиза ҳамма нефть базаларига, корхоналарга, ёнилғи қуйиш шохобчаларига жорий этилмоқда. Уларнинг асосийлари биринчи бор юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритиб, мустақил тижорат ишини йўлга қўядилар.

Содда қилиб айтганда, тармоқ салкам крепостной тузумдан униб ўсиб борувчи бозор механизмига айланмоқда. Ҳозир бу ерда ўзаро рақобатлашиб ишлаётган 74 та ширкат ташкил топган. Бу яқин орада машина ҳайдовчилар турли шохобчаларда ҳар хил нарх-наво бўлишига ўрганадилар, деган маънони англатадими? Ҳа, албатта. Хўш, бензин учун қаерга борамиз? Қаерда арзон бўлса, қаерда яхши хизмат кўрсатишса, ўша жойга борамиз. Ана шу талабга жавоб берган шохобчалар ишдан ютишади. Бунда рақобатнинг асосий шартидан аввало истеъмолчи наф кўради.

Одамлар ҳақида қайғуришаётганлигини тасаввур этишнинг ўзи нақадар ёқимли. Ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишчан ва эпчил раҳбарлари ҳозирданоқ турли рекламалар, матбуот чиқишлари, майда-чуйда молларни савдога қўйиш орқали эътиборни жалб этиш йўлларини қидирмоқдалар. Бу борада самимий инсоний муносабатлар ҳам назарда тутилган.

Янгиликнинг яна қандай афзаллиги бор? Агар айтайлик, мен ишбилармон сифатида шохобчага ўз молларимни, хизматимни тақдим этсам, бажонидил қабул қилишади. Эҳтимол қайси бир ходимга мен ишлаётган заводдаги ғиштдан керакдир? Балки мен фермер бўлсаму, ҳозирданоқ келгуси йилда етиштирадиган пиёз, кўкат, сабзи каби маҳсулотларни етказиш бўйича шартнома имзоларман? Хуллас, эндиликда биз ана шундай имкониятларга эга бўламиз. Бир сўз билан айтганда, ўз имкониятларимиз бирор баҳога эга эканлигини ўйлаганда кўнглинг қувониб кетади киши. Бундай тизим тармоқ ишига минглаб одам

ларнинг манфаатлари уйғунлашиб кетишига олиб келади. Ҳалол, ошкора, рўй-рост.

— Илгари тармоқда ишбилармонлардан оловдан қўрқандек ҳайиқишарди, — дейди А. Хусаинов менинг мулоҳазаларимни илғагандек. — Энди эпчил тижоратчиларни яхши ғояга эга одамларни ҳамкорликка чорлашга ҳаракат қиляпмиз. Айтайлик, истеъмолчилар жамияти ҳақида қанча гапирилди. Иқтисодий худбинликка тўсиқ қўювчи шундай тузилмаларни яратиш ҳақида ҳам ўйлаяпмиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бошқа тадбирларни ҳам ишлаб чиқмоқдамиз.

Барча ёнилғи қуйиш шохобчалари масаланинг ташқи кўринишидир, холос. Бу жойларга ёнилғи-сурков материалларининг 4 фоизигина сотилади. Энди асосий иқтисодий томирлар нефть базалари қўлига ўтди. Шу йўл билан уларга улгуржи истеъмолчиларни бириктириб қўйиш тартиби ҳам барҳам топди. Айтайлик, автокорхона харидор сифатида ўзи танлаш имконига эга бўлди, яъни истаган ширкат билан шартнома имзолаш мумкин. Қолхозлар, давлат хўжаликлари, исталган бошқа иқтисодий тузилмалар худди шундай иш тутишлари мумкин.

Буларнинг ҳаммаси яхши! Лекин республикамизнинг юзлаб шохобчаларида ишлаётган ходимларнинг билими ва тайёргарлиги ўша даражадами? Хорижий таъминотчилар билан мустақил музокара юритиш ва улардан алоҳида ёнилғи сотиб олиш республиканинг қатор минтақаларида нархнинг сунъий ошиб кетишига олиб келмайдими? Тармоқ олдида ана шу масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди. Шу маънода ҳаммамиз ўйлабгина қолмай, ёрдам беришимиз учун ҳам имконият мавжуд. Негаки, бундан барчамиз иқтисодий манфаатдормиз.

Владимир ЧЕРНИШЕВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги ёнилғи қуйиш шохобчалари меҳнат жамоаларни фаолиятидан лавҳалар.

В. КИРИЛЛОВ олган суратлар.

• *Сара НАЗАРБОЕВА:*

«БИЗГА ҲАМ ОСОН ТУТМАНГ»

Қозоғистон Президенти рафиқаси билан мулоқот

Сара Алписовна, мамлакат олий раҳбарининг рафиқаси сингари машҳури олам бўлган аёллардан эмас. Жумладан, уни Раиса Максимовна Горбачевага қиёслаб бўлмайди. Одамларни ғашига тегадиган ҳатти-ҳаракатлардан тийилиб юради. Қозоғистон Президентининг рафиқаси бўлгани билан шарқ аёлларига хос одобга риоя қилади. Биз у кишидан бунинг боисини билишга ҳаракат қилдик.

— Гапни сирасини айтсам, одамлар эътиборини қозонишдан йироқроқ бўлишга ҳаракат қиламан. Айни пайтда иш юзасидан керак бўлса республика, ҳатто халқаро миқёсдаги ишларни расмийлаштиришда аввало ўз мавқеим қолаверса, Президент рафиқаси меъёридан четламай фаолият кўрсатишга уринаман. Оилам, яқин кишиларим мен учун бир дунё, уларни қадрлайман.

Раиса Максимовна хусусида шуни айтишим мумкинки, мен бу аёлнинг дадиллигини эъзозлайман. Ҳар қандай шароитда ҳам биз аёллар ўзимиз туғилиб ўсган масканга хос феъл-атворли бўламиз. Шунинг учун эркаклар катта ишларга қўл урганда аёллар уларнинг ишончли суянчиғи бўлиб, тароватли оила муҳитини вужудга келтириши зарур, деб биламан. Европа мамлакатларида биз қозоқ аёлларини ўзига хос ибтидоий баҳолашлар мавжуд. Улар бизларни юз-кўзигача ўраниб чирманган, ўчоқ бошидан бери келмайдиган аёл деб тушунишади. Ваҳолонки, менинг ўтмишдошларим эркин бўлишган. Йигитлардек от елдиришган. Чунончи, «қиз қувмоқ» баҳсида йигитнинг қувиб етолмай, бўса ололмай бўшашгани учун қиз уни маррагача савалаб келиши қадимий қадриятларимизнинг тимсоли эмасми. Ёки ватан урушини олайлик. Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлардан чиққан қаҳрамон борми? Биз эса Маншуқ Маметова, Олия Молдагуловалар билан фахрланамиз.

Тўғри, кейинги даврларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик масаласида аёллик назокатига хос кўпгина қадриятларимизни бой бердик. Ўтмишда ўз боласини йўқотиб келган шарқ аёли ҳақида эшитганмиз. Мен ҳозир республика «Бобек» («Кичкинтой») жамғармасини бошқарар эканман ақл бовар қилмас воқеаларга дуч келмоқдаман. Қирқ тўртта болалар уйи ва мактаб интернатда ҳозир расмий тан олинган 4669 нафар етим бола тарбияланмоқда. Уларнинг саксон фоиздан кўпроғини ё онаси, ё отаси ҳаёт экани кишини ажаблантиради.

— Бир неча ой бурун болаларни ҳимоя қилиш маъносида ҳайрли ишга қўл урилганидан хабарим бор. Чунончи, «Қувончлар ва умидлар уйи» деб аталган Қозоғистон телемарафони ташкил этилди. Ўйлайманки, йиғилган маблағлар савобли ишларга сарфланса керак?

— Бундай тадбирларни ўтказишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Болалар жамғармасини ташкил этишдан мақсад ҳам оиладамас, балки болалар уйларида макон топган кичкинтойларга эътибор қилишдан иборат бўлиши керак, деган хаёлга борганман. Шунингдек, Орол бўйи ва Семипалатинск ҳудудларида истиқомат қилувчи кўп болали оилаларга мадад қўлини чўзиш лозим эди. Озиқ-овқат танқислиги, дори-дармонларни етишмаслиги шароитида фақат боласини ўйлаб ногирон кўзларини узмай турган оналаримиз аҳволини тўғри тушуниш керак. Ҳайтоур болаларни соғлиғини қайта тиклаш маркази ташкил этилиб ишларимиз бироз енгиллашди. Дастлабки хомчўтларга қараганда телемарафон ёрдамида бир миллиард 329 миллион 802 минг сўм тўпланғани маълум бўлди. Бизнинг ҳаражатларимиз учун эса 8 миллиард сўм керак бўлади.

— Телемарафон номига йўлланган хайриялар кўпчиликни ҳайратга солганлигини эътироф этиш керак. Назаримда ким кўпроқ совғани инъом этиш баҳсига айланиб кетди. Минглаб жамоалар миллионларни келтиришди. Ўйлайманки, бу йўлда Президентнинг рафиқаси бўлганлигингиз кўпроқ аҳамият касб этди, чоғи. Чунки, баҳонада юртбошининг эътиборини қозонишни ким истамайди дейсиз?

— Бир нима деёлмайман. Балки... Зотан, мен ўз исм-шарифим даражасида саъй-ҳаракат қилишга уриндим. Шу баҳонада хайрия жамғармасига мадад қўлларини чўзган республика корхоналари, тижоратчилари, шунингдек, Қозоғистоннинг хориж билан дахлдор кишилари томонидан инъом этилган сўмлар, доллар ва маркалар учун миннатдорчилик билдираман. Илло, биздан қайтмаса, худодан қайтсин.

— Шундай бўлсада, хайрия жамғармаси қабулхонасида рўйхатга ёзилаётганларнинг кети узилмаяпти. Кўпчилик шахсан савобли ишга қўл урмоқчи эканлигини яширмаяпти. Шу боисдан сизни билмадиму, менга эриш туюляпти.

— Албатта, ҳаммамиз ҳам гуноҳ орттиришдан ҳоли бўлишимиз керак. Ростига кўчадиган бўлсак, мен орқали Президентга таъсир ўтказиш каби воқеалар бўлган. Чунончи, биз сизга истаганизча хайрия суммаси ўтказишга тайёрмиз, фақат сиз солиқларимизни камайтиришга кўмаклашсангиз ёки кредитга оладиган маблағимизни фойдали фоизларда бўлишига ёрдамлашсангиз, ё бўлмасам, «ҳурматли акамиз» билан учрашувни ташкил этишга таъсир кўрсатсангиз каби илтимосми, йўлдан уришларга ўхшаш ҳаракатлар бўлганди. Уларнинг устомонлиги-ю ширинсуҳанлигига ишонгандай Нурсултон Абишевич билан бу борада гаплашиб кўришга ҳам уринганман. У бўлса мени сўзларимга қулоқ солиб: «Келинг яхшиси иккаламиз ўзимизнинг ишимиз билан шуғулланайлик», деб гапни қисқа қилган эдилар.

— Гапингизга қараганда, турмуш ўртоғингиз бир сўзли одамлардан эканларда. Шу муносабат билан у кишининг нуфузли мажлисларда залда ўтирганларнинг эътиборини қозониб, кайфиятига мослашиб олиши таҳсинга лойиқ, деб ўйлайман. Ҳеч қачон ҳиссаяжонга берилмайди. Бундай вазминлик эса аёлларга жуда ёқади-да. Эсимда, бултур Москва телевидениеси орқали Нурсултон Абишевич билан мулоқот уюштирилганда муҳаббат изҳори қабилидаги шундай ёзишмалар кўп бўлдики, одамлар буни ўзларича тушунишга ҳаракат қилишди. Ўшанда, сизнинг рашкингиз келмаганми?

— Бе, нималар деяпсиз, шу ёшда-я? Ёшлигимизда балким шунга ўхшашлар бўлгандир. Лекин мен рашкни нотабиий ҳис-ҳаяжон, деб тушунаман. Бунинг устига биз билан муносабатда Нурсултон Абишевич сўзини ўтказадиган эркаклардан эканини намоён қилган. Ҳар қалай у кишида сезгирлик, таъсирланиш кучлироқ. Ташқи кўриниш дан жиддийлиги эса ўз-ўзини назорат қилиш натижаси бўлса керак. Умуман, феъл-атвори бўйича у меҳрмурувватли кишилардан. Бир вақтлар Қўнаевга қарши чиқишлар уюштирилганда турмуш ўртоғимнинг шанига ҳам ҳақоратли гаплар айтилгани эсимда. Ўшанда мендек босиқ, вазмин одамнинг ҳам измдан чиқаришга мажбур қилишганди. Мен унга, қандай қилиб бундай маломатларга чидаяпсан, деганман. Лекин у кишида кўнгилга олиш, қасд қилиш каби иллатлар бегона. Йиллар ўтиб феъл-атворларида ижобий ўзгаришлар юз бердими, ғанимлар билан курашишнинг ўзига хос йўлини танладилар. Албатта, бунда ён бериб эмас, ишонтириш билан ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринадилар. Бу ишлар шундай эътибор ва меҳрибонлик билан амалга оширилардики, суҳбатдошингиз гина-қудратсиз мамнуният ҳосил қилади.

— Сафар чоғида Президентнинг ўз невараларига совға-саломлар олиши учун вақти бўлармикан. Мен у кишининг шодон уч болакай даврасида тушган суратларини кўра туриб албатта улар алоҳида шароит ва имтиёзларга йўғрилган бўлсалар керак, деган фикрга бордим.

— Совғаларни мен сотиб оламан. Лекин невараларга буларни бувинг харид қилган дейман. Бола-болада, ишонишади. Ўйлашадики, бувасининг чет элдаги сафари чоғида магазинма-магазин юришга вақти бор. Сиз айтмоқчи бўлган шарт-шароитлар эса қатъий тизимда бўлиб, чеклангандир. Ана шундай шароитда болаларим камол топишди, мана энди невaралар ўсишяпти. Катта қизларим Дарига билан Динораларни катта қилишда бундай ўзига хос шароитни ҳис этмаганман. У пайтларда Нурсултон Абишевич республиканинг таниқли кишилари қаторидан жой олмаганди. Зотан Алиянинг «омади» келган, десам бўлади. У Олмаотада туғилиб, болалиги шаҳар чеккасидаги махсус қароргоҳида ўтди. У кўпинча йиғлаб: «Ойи, мен ким билан ўйнайман», дегани-деган эди. Албатта мен уни тинчлантириб, яқинда мактабга борсанг, дугоналаринг кўп бўлади, деб юпатардим. Барибир мактабда ҳам нотабиий шароитда қолди. Йўлакда югургудек бўлса, албатта тўхтатиб: «Уялмайсанми, ахир сен Назарбоевни қизисан-а!» дейишарди. Ёмон ўқиса: «Сен отангни юзини ерга қаратяпсан...» деган гаплар бўларди. Қизиқ-да бола бўлгандан кейин ўйнайди, қувнайди, югургиси келади... Ҳозир у музика мактабида таҳсил оляпти, оиламизнинг биринчи пианиночиси бўлади.

— Менда қачонлардир «оддий кишилар»дан бўлган сиздек одамни бугунги кунда Президент рафиқаси мавқеида юришингиз қадрлими? — деган таассурот туғилмоқда.

— Кўпчилик қатори мен ҳам ёшлигимда юртбошиларининг оилалари нонни ёғ билан ейишса керак, деган фикрда эдим. Мана энди, ҳаммага маълум, унинг рафиқаси бўлиш осонмаслигини ҳис этиб турибман. Қарағандадан Олмаотага келгунимизча мен бундай турмуш ўртоғим учун масъул эканимни айтарли ҳис этмагандим. У кишига алоҳида эътибор қилиш, фикри-ўйи, қувончларини баҳам кўриш учун уй ташвишларидан ҳоли алоҳида вақт топишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак у кишига маънавий кўмак бериш мақсадида жамоат иши билан шуғулланишга қарор қилганман. Умуман осонмас. Буни фақат Президентнинг рафиқаси бўлган аёлгина кўпроқ англайди.

Татьяна ЖУРБЕНКО,
(«Торговая газета»дан қисқартириб олинди).

Ота рози худо рози,
Дер Ҳилол.

Қўлга сув қуйиб,
Дуосини ол.

А. ТУРАЕВ фотолавҳаси.

TEKNESS = INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар — Телефонлар
Телефакслар — Стриммерлар
Лазерли принтерлар
Кичик хисоблаш тармоқлари
Ксероксlар — Сканерлар
Дисклар — Модемлар
Банкнотларни хисоблаш аппаратлари

Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади.

Тошкент, Улуғ Ипак Йўли хиёбони 63
67-25-57, 67-85-86 — FAX (371-2)-54-99-83

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ПОКИСТОННИНГ

«ХАЙБЕР ГРУППА КОМПАНИЙ»

ФИРМАСИ

қаттиқ қоғоз қутидаги виржиния тамакисининг узун фильтрли «А» тоифадаги сигареталарини истеъмолчилар эътиборига

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

HUNTER, HILTON, WILSON SPECIAL

Бозор баҳоларидан арзон.
Эркин муомаладаги валюта (СКВ)га сотилади.
Долларнинг нисбатан курси бўйича сўмларга ҳам сотилиши мумкин.
Телефон: 41-55-07.
Факс: 41-06-31.

«З У Ҳ Р А»

КЎПТАРМОҚЛИ КИЧИК КООПЕРАТИВИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

чўян радиатор,
турли хил металл,
цинкали белила (бочкада),
голландия технологиясида ишлаб чиқарилган 1,20х3,60 ўлчамли, қалинлиги 12 миллиметрли ДСП

СОТАДИ

ва шунингдек мижозлар буюртмалари бўйича

МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 33 А уй.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Тошкентда: 97-96-71, 97-64-88.
Москвада: (095) 208-16-77, 975-10-53.

ШАХСИЙ ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

● «Эфир» кичик корхонаси шахсий автомобилларга блокли электр ёқиш мосламасини ўрнатиб беради. У ёқилғини 10 фоиздан 25 фоизгача тежайди. Шунингдек, рангли телевизорлар ремонти учун буюртмалар қабул қилинади. Таъмирлаш сифатига кафолат берилади. Тел: 91-39-57.

● Ҳар қандай хонани, турар жойни ремонт қилиб берамиз. Телефон: 33-93-87.

● Квартира топшираман, ёки сотаман. Тел: 97-40-02.

● Тажрибали ҳайдовчи иш қидирмоқда. «Москвич—412» автомашинам бор. Машина радиуси 4 километр бўлган икки томонли радиоалоқаси билан жиҳозланган. Қорбобо ва Қорқизга Янги йил совғаларини ташишда хизмат кўрсатишим мумкин. Тел: 75-58-00.

● «Москвич» машинамни, янги япон видеомагнитафонини «УАЗ» автомашинасига алмаштираман. Тел: 55-86-40.

● «Кукси» тайёрлаш учун агрегат бор. Тел: [297] 534—27, соат 18.00

● Тиббиёт ходими туришга жой қидирмоқда. Тел: 56-86-08. Соат 19.00 дан кейин қўнғироқ қилинг.

● Гадушкин номига битилган ҳужжатларни топиб берганни мукофот кутмоқда. Тел, 34-00-75. Соат 9 дан 18.00 гача қўнғироқ қилиш мумкин.

● Тўқув машинасини сотаман. Тел: 54-61-27.

● Талабалар шаҳарчасида ёғочли уйча (будка) сотилади. Тел: 64-45-59.

● Чет эл телевизори ёки янги видеомагнитафон сотилади. Тел: 90-14-76.

● Уй-жой, қора рангли духоба сотиб оламан. Телефон: 57-31-40. 19.00 дан кейин.

● Янги тикув, кир ювиш машиналари, чанг ютгич сотиб оламан. Тел: 64-97-56.

● Икки хонали квартирани М. Горький метро бекати атрофида жойлашган уч хонали квартирага алмаштираман. Тел: 62-45-27, 29-32-60.

● «Самарқанд» автостанцияси атрофида жойлашган икки хонали квартирани уч хонали квартирага алмаштираман. Тел: 50-75-71.

● Сотиб олинган икки хонали «Марказ—6» да жойлашган квартирани «Марказ—1» — «Марказ — 15» даҳаларидаги квартираларга алмаштираман. Тел: 34-50-00, 35-00-28.

ШАХСИЙ ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

● Видиомагнитафонни уйга олиб бориш билан ижарага бераман. Тел: 90-80-02, соат 9.00 дан 12.00 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

● Бизда ижарада Америкада ишлаб чиқарилган кўйлаклар мавжуд. Тел: 78-31-02.

● Капиталистик мамлакатларда тайёрланган тўй кийим-кечакларини ижарага бераман. Тел: 78-54-50, 78-47-67.

● Тўйларда, байрамларда, юбилейларда ва бошқа миллий маросимларда тажрибага эга бўлган «Рандеву» гуруҳи ўз хизматини таклиф этади. Бизнинг мусиқамиз — доимо байрам демакдир. Тел: 74-98-30, 92-12-24.

ЎЗБЕКИСОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1992 — 1993 ўқув йилига

Агрономия ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» ихтисослари бўйича СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Агрономия» ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» мутахассисликлари бўйича ўқишга ёшидан қатъи назар тўлиқ ўрта маълумотли, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти 2 йилдан кам бўлмаган, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган эркак ва аёллар қабул қилинади.

Ўзбек тилидан (диктант), кимёдан (оғзаки) кириш имтиҳонлари топширилади.

Ҳужжатлар 30 декабргача қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат, 086/У намунадаги тиббиёт маълумотномаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Бориш йўли: Метронинг «Пахтакор» бекатидан «Тошкент қишлоқ хўжалик» техникуми бекатигача 53-автобус;

Метронинг «Чилонзор» бекатидан «Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми» бекатигача 182-автобус;

Метронинг «Ёшлик» бекатидан «Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми» бекатигача 95-автобус қатнайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 16 декабрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	287 сўм 00 тийин.
1 Австрия шиллинги	37 сўм 90 тийин
1 Англия фунт стерлинги	652 сўм 71 тийин
10 Бельгия франки	128 сўм 20 тийин
1 немис маркаси	265 сўм 70 тийин
1 голланд гульденги	236 сўм 29 тийин
1 Дания кроні	68 сўм 98 тийин
100 Италия лираси	29 сўм 99 тийин
1 Канада доллари	328 сўм 05 тийин
1 норвегия кроні	61 сўм 69 тийин
1 АҚШ доллари	418 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	82 сўм 21 тийин
1 француз франки	77 сўм 97 тийин
1 швед кроні	61 сўм 52 тийин
1 Швецария франки	295 сўм 82 тийин
10 Япония нени	33 сўм 76 тийин
1 ЭКЮ	521 сўм 25 тийин
10 испан песети	37 сўм 35 тийин
10 Греция драхми	20 сўм 11 тийин
1 Ирландия фунти	698 сўм 06 тийин
1 Исландия кроні	6 сўм 69 тийин
1 Қувайт динори	1395 сўм 71 тийин
10 Ливан фунти	2 сўм 25 тийин
10 Португалия эскудоси	29 сўм 81 тийин
1 Сингапур доллари	255 сўм 08 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 50 тийин

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АГРОКИМЕ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ ИЛМИЙ ТЕХНОЛОГИК МАРКАЗ КЕЛИШИЛГАН БАҲОДА ТАШКИЛОТЛАРГА ЎЗИТУҚАР ЗИЛ ММЗ МАРКАЛИ ВА ГАЗ — 52 МАРКАЛИ

ЮК МАШИНАЛАРИНИ СОТАДИ

МАНЗИЛГОҲ: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ҚИБРАЙ РАЙОНИ, «ИНСТИТУТ» АЛОҚА БЎЛИМИ, СЕМЕННАЯ КЎЧАСИ, 8-УЙ.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 62-45-14, 62-72-11, 62-13-67.

МАЪМУРИЯТ

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, КИЧИК КОРХОНАЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, КООПЕРАТИВЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекхиммаш» кимё машинасозлик заводи шарбатларни, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консерваларини шишали ва металл идишларга ёпиш учун икки корзинали цилиндри бўлган «Б6—ҚАВ—2» маркали вертикал ёпғичларни сотади. Саватнинг ҳажми 0,485 метр куб.

Бизнинг манзил: 702100, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 2-уй.

Телеграф: Чирчиқ шаҳри, 8. Тошкент ТИТАН Телетайп: 116663 ТИТАН.

Факс: (371—71) 5-34-26.
Телефон: 99-221.

● Бугунги Тошкент.

ҲУНАРМАНДЛАР БОЗОРИ

● Марғилон ҳокимлиги шаҳарнинг «Гуроввал» мавзеида ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиладиган эски бозорни тиклашга киришди. Бу ерда ҳунармандлар ўз устахоналарини очадилар, улар тайёрлаган маҳсулот бевосита аҳолига сотилади.

Р. КОМОЛОВ.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙЛАР: Ш. Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туркистон» биржаси.

Нашр учун масъул Т. ТОШЕВ.

Ҳафтада 1 марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

● БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» матбаа-нашриёт концернининг босмахонаси.

Индекс 75487 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

• *Ўзбекистон футболи—80 ёшда*

Футбол — ишқибоз учун кайфият мезони, баракали меҳнат омили, тан-сиҳатлик гаровидир. Миллионларни ром этувчи бу ўйиннинг аҳоли ўртасида ижтимоий аҳамият касб этгани сир эмас. Ўзбекистон яқин келажакда Бразилия, Аргентина, Уругвай, Италия, Голландия, Олмония каби моҳир футболчилари билан довруқ қозонишни, халқаро миқёсда нуфузи ошишини ким истамайди, дейсиз. Бу борада дастлабки қадамлар ҳам ташланди. Хусусан, Республика миллий чемпионати, «Осиё» кубоги ўйинларида қатнашиш, футбол уюшмамизни ФИФАга муваққат аъзо бўлиши, Тошкентни «Олимпиада — 2000» ўйинларини ўтказишга даъвогарлиги шундан далолат. Умуман истиқлол йўлидан бораётган мамлакатимизда бундай эзгуликларни рўёбга чиқариш учун имкониятлар етарли.

ИККИ ДЎППИ— ТЎП ТАЙЁР!

ЁКИ ЎЛКАМИЗДА ФУТБОЛ АНА ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ



Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, диёримизда тўп ўйини ҳақидаги тасаввур аср бошида юзага келган. Ишқибозлар иккита дўппини қўшиб, орасига латта-қипиқ солиб майдонга ташлашган. Қўқонда йигитларнинг илк марта ана шундай тўп тепишлари футболимиз тарихини бошлаб берган. Кейинчалик бундай ўйинлар Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент, Туркистон ўлкасига ёйилди. 1912 йили Фарғонада «Скобель футболчилари жамияти» клуби тузилди. Шу йили фарғоналиклар билан андижонликлар майдонда куч синашишган.

1918 йили Тошкентда ўзига хос халқаро учрашув бўлиб ўтган. Маҳаллий футболчилар билан Австро-Венгрия ҳарбий асирларидан иборат жамоа ўртасида ўтказилган учрашувда майдон эгалари 8:0 ҳисобида ғалаба қозонишгани солномаларда қайд этилган. Кейинчалик футболни оммавий равишда ривожлантириш бўйича тошкентликлар ибрат кўрсатишди. Хусусан 1920—21 йилларда Ўрта Осиё олимпиадалари дастуридан ўрин олган футбол мусобақалари қизиқарли бўлган эди.

Мен ўзим 1932 йилдан бери футбол уюшмасининг аъзосиман. 30-йилларда Сирожиддин Иноятов, Қосимжон Ҳошимов, Пайғамбек Олимов каби ажойиб ўйинчилар бўларди. Шулардан ҳозир Жўра Саидовнинг ҳаёт экани менга қувонч бағишлайди. У киши республиканинг йирик олимларидан бири. Иноятов бошлиқ «Ҳосилот» жамоасининг Туркияга қилган сафари ёдимдан чиқмайди.

Уруш йиллари яшил майдонлар йигитларсиз бўм-бўш бўлиб қолди. Зеро, ғалабадан кейин яна жонланиш бошланди. «Спартак» стадионида «Эски шаҳар» билан «Пищевик» қўшилиб ОДО жамоасига қарши ўйнаганди.

1955 йилда республикамиз ибрат қилиб кўрсатса арзигулик футбол жамоаси бўлиши керак, деган масала ўртага ташланди. Шунда мавжуд жамоалар ҳамда ўринбосарлардан «Пахтакор» таркиб топган эди. Мухлислар пахтакорчиларнинг «Б», кейинчалик «А» ва Олий лига жамоаларида муваффақиятли ўйнаб, Ўзбекистон футбол мактабини юзага келтирганини яхши билишади. Шу ўринда «Спартак» футбол мактабининг директори Маъриф Акбаровнинг хотирасини ёдга олгим келади. Ў киши маҳаллий йигитлар орасидан футболчилар тарбиялашда жонкуярлик қилган эди. Маъриф ака бошлаб берган хайрли ишлар самарали кечди. Муқимов, Мақсудов, Азизхўжаев, Суюнов, Зокиров, Шарипов, Тазеддинов, Тожиров, Абдураимов, Иноятов, Раҳматуллаев, Бектошев, Иброҳимов, Исоков каби ўнлаб моҳир футболчилар камол топди. 60-йилларда мухлислар Пшеничников, Моторин, Қаххоров, Мухин, Красницкий, Беляков сингари тўпурарлар билан фахрланар эдилар.

Геннадий Красницкийнинг катта футболга кириб келиши ҳам қизиқ бўлган. Бўкада ўйинқароқ болалар орасида дарозгина йигитчани ҳаракатларидан таажжубландим. Латтатўп тепиб юрган бу йигитча Геннадий Красницкий эканини сўраб билдим. У етакчи агроном бувасига қарашиб юрган экан. Кўп ўтмай бу бола мутахассислар назарига тушиб, миллионлаб мухлисларни ҳайратга солди.

Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, моҳир ўйинчиларни тарбиялаш бўйича фидойилик қилган, ўша даврларда масъул лавозимларда фаолият кўрсатган Нуриддин Муҳиддинов, Ориф Алимов, Олим Умрзоқов, Акром Ҳўжаев, Минавар Турсунов, Солижон Мамарасуловларнинг меҳнатини бугунги айём кунида ёдга олиш жоиз. Зеро, яна бир кишининг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун баъзи эсдаликларни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Ажойиб инсон, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг футболга бўлган муносабатларини яхши билардим. Ростини айтсам, ўзим ҳам беозор «ҳира»лардан эдим. Эшик қолиб, тешикдан отанинг ҳузурларига рўпара бўлаверардим. Кўп ўтмай ўзлари ҳам футбол ҳақида сўраб-суриштирадиган бўлдилар. Ҳатто ўйингоҳларга бориб учрашувларни кузатиб юрдилар. «Ўзбекистон 5 йиллиги» совхозида М. Мусахонов билан бирга қишлоқ футболчиларининг учрашувини охиригача кузатган эдилар.

«Пахтакор»нинг ҳал қилувчи ўйинлари олдидан Шароф ота масъул мутасаддилар билан суҳбатлашиб, ўйиннинг қандай бўлиши, қандай камчиликлар борлиги ҳақида маслаҳатлашиб, муҳокама қилардилар. Ўйиндан кейин мени аҳтариб қўнғироқ қилар, ютган бўлсак табриклар, ютқазсак йигитларга далда бериб, албатта саломимни етказинг, дердилар. Бир учрашув ҳеч эсимдан чиқмайди. Кутаисида якунловчи ўйин бўлиши керак эди. Фақат ғалаба бизни қаноатлантирарди. Бордим. Бошим қотган, қизиғи шундаки, шаҳар раҳбарлари мухлисларга қулайлик яратиш ва байрамона ўтсин деб, якшанба дам олиш кунини жумага кўчиришган экан. Грузинларнинг қизиққонлиги ҳаммага маълум. Ютқазиб қўйишлари мумкинлигини уларнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бир маҳал бош тренеримиз Михаил Якушин кайф билан келиб, ўйинолди йўлйўриғини тушунтира кетди. Лекин унинг гаплари кўпчиликка маъқул келмади.

Туни билан меҳмонхонада юриб чиқдим. Чамаси соат 11 лар бўлса керак. Икки грузин йигити дипломат кўтарган ҳолда пайдо бўлишди. Ўзимни билмаганликка олдим. Улар дарвозабон Любарцев хонасига киришди. Бироздан кейин мен ҳам кирдим. Кирсам, Николайни ўрни иссиқ, ўзи йўқ. Ҳиёбонга тушдим. У бояги йигитлар билан суҳбат қурарди. Бепарво бўлишга уриндим. Яна меҳмонхонага кирдим. Николай хонасида йўқ эди. Ўзимнинг хонамга кирсам, ўтирибди. Қўлида тугунча.

— Нима, бу, — дедим?

— Мени кечиринг, воқеани ҳеч ким билмасин, — дейди.

— Гап бундоқ, эртага биронта тўп ўтказмасанг, сир сақланади, — дедим...

Кўнглим ғаш эди. Йигитларни тўплашга тўғри келди. Шунда Абдураимовнинг таклифи ўтиб ўйинолди йўлйўриғини тасдиқладик. Бироздан айтганича бўлди. Турғунов оширган тўпни у дарвозага урди. Кейин яна шундай қилинди. Ҳисоб 2:0 га етди. Шундай ёмғир ёғардики, ўйинчилару томошабинларга қараб бўлмасди. Учрашувнинг иккинчи қисмида грузинлар Бироларга «қоровул» қўйишди. Битта жавоб тўпи тепишди. Йигитларимиз бўш келишмади. Абдураимов бажарадиган ишни Тўлаган Исоқов ўринлатди. Ҳисоб 3:1 бўлди. Ўйинчилар лойга қоришиб кетишганди. Ҳакам одил экан. Аламзада майдон эгаларининг қўполлиги учун жазолаб, бизга 11 метрлик қўйиб берди. Ҳисоб яна биттага ортди. Мухлислар жаҳолатга келишди. Майдонга ёриб киришди. Қочишга тўғри келди. Бизни амаллаб Тбилисигача кузатишди. Тошкентга етиб олдик. Келишим билан телефон жиринглади. Оқил Умрзоқович аҳволни суриштириб турган эдилар, Термиздан телефонга боғланган Шароф ота ҳам бизга жўровоз бўлиб кетдилар.

80-йиллар ўзбек футболининг энг гуллаган даври бўлди. Афсуски, севимли пахтакорчиларни асрай олмадик. Пахтакорчилар 11 августга мўлжалланган сафар учрашувини Минск шаҳрида ўтказа олмай, қурбон бўлдилар. Бугун биз футбол байрами арафасида Сергей Покатилов, Равиль Агишев, Олим Аширов, Юрий Загуменних, Николай Куликов, Константин Бакланов, Александр Корченов, Владимир Макаров, Сирожиддин Бозоров, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Виктор Чуркин, Михаил Ан, Владимир Федоров, Владимир Чумаков, Мансур Толибжонов, Идгай Тазеддиновлардан иборат жамоа хотирасини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мустақил Ўзбекистон футболининг келажаги порлоқ. Ўйлаймизки, она-диёримиз футболчилари халқаро миқёсда ҳам довруғ таратадилар. Одамлар Ўзбекистон деганда, суллабяшнаган, бадавлат мамлакатни тасаввур қилиш билан бирга, ажойиб футбол юрти, дея эътироф этадиган бўладилар.

Жўрахон ХОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон футбол уюшмасининг аъзоси.

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

ДЕКАБРЬ СОНИДА УҚИНГИЗ:

- ТЕЛЕФОНИНГНИ ТОПОЛМАДИМ, БОЛАМ!
- ХАЛҚ ИЖОДИ — ҚАЙНАР БУЛОҚ
- КИЧКИНТОЙГА УҚИБ БЕРИНГ
- ТЎЙБОБО ОБУНАНИ БОШЛАДИ

• *ДЎМБИРА*

«КАПТАР ЛАРИМ— КАПТАРЛАР...»

Э, одифталигинг қурсин. Қишлоқда яшасанг ўлармидинг?! Ўргилдим, мақтаган шаҳрингдан. Бодилик қилмасдан, телефўнингни рақамини бергунча, уйингни унвонини берсанг катталикдан тушардингми, гумроҳ. Уч кундан буён тилим осилиб, шаҳар кезаман. Ҳе, бу телефўнни ўйлаб топганни ҳам... Тағин сўкинманг, дейди. Ўчир овозингни. Шундай катта шаҳарда нечта таксафўну телефўн аптамат борлигини-ю, шулардан нечтаси ишлашини мендан сўра! Марказий телеграпга ҳам бордим, ҳар икки кўчанинг бирида учрайдиган, пешонасига «Маълумотлар буйроси», деб ёзилган, товуқхонадек бўдкачаларда лабини чўччайтириб, сақич чайнаб турган марускаларни ҳаммасидан сўрадим, сан айтган ўша китобни. «Нет такўй книга, бабай», дейди бошини сараклатиб, эчкининг бўйнига тақиладиган қўнғироққа ўхшаш сирғаларини жиринглатиб. Уф, ўша китобнинг қанақалигини биласизми, деб сўрайдиям-а. Ўв, ақлинг бошингдан ошган бўлса, таксофўнларни бепул «ишлатиб» қўйган акаларингга ўқи дийдийдиёнгни. Тошкент шаҳри аҳолисининг телефўн рақамлари ва турар жойларининг манзили зикр этилган ўша ноёб маълумотнома фақат бундан йигирма бир йил муқаддам нашр этилганини ҳам, ва унинг шакли-шамоилини кўрмоқчи бўлган « у дунёга» (архивга) бориши кераклигини ҳам билиб олдим. «Телефўн рақамим ёзилган китобда турар жойимнинг унвони ҳам кўрсатилган бўлиши керак» миш-ол Эҳ, нодон. шундай экан, нима қилардинг ўзбошимчалик қилиб, о, у пайтда сани телефўн рақаминг билан унвонинг мани белимда эди-ку, галварс. Бу шаҳри азимда тахминан юзта таксофўну телефўн аптамат бўлса, деярли шундан саксонтасининг «нчакчавоғи апараска» қилинган. Қолганлари ҳам «кўкйўталга» йўлиқиб, «иситмаси» гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб ётибди. Тепасига «Алоқа вазирлиги» деб ёзилган ҳашаматли бинога яқин ерлардаги телефўн аптаматлар ҳам «айиқдек ухлаб» ётишибди-я. Телефўн бўдкачаларининг ярми синиб, ярми осилиб турган, ойналарига «Телефўн аптамат ва таксофўнларни синдирган ва бузганларга 350 сўм жарима солинади», деб ёзиб қўйишганини кўрсанг, қон босиминг сал бўлса-да, «тушар» экан. «Нима қилиш керак!» Қадимгидек қайтадан каптар боқиш керак, вассалом! Бу кўчадан нариги кўчага телефўн орқали бир хабарни етказгунча ўнта каптарни «пўчтачи» қилиб тарбияласа бўлади, бу шаҳарда. Каптарнинг хосияти кўп. Маълумотнома-палумотномани ҳам кераги бўлмай қолади. Икки энликми, юз элликми лубўй хат-хабарни оёғигами, қанотигами хуллас, қистириладиган жойи борки, қистирсанг, шес секундда ҳожатингни чиқариб қайтади. Сўнг шаҳар аҳолиси ҳам юрарди, мазза қилиб «каптарларим — каптарлар», қўшиғини куйлаб. Бу учун тезда пўчтачи каптарларни кўпайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим. «Каптарнинг баҳоси неча рубл туради», дейсанми? Ҳа, энди телефўн тузатадиган битта оддий устанинг бир ойлик маошига ўнта «қанотли телефўн» сотиб олса бўлар-а, ё ўн бештами? Бунақа усталару уларнинг бошлиқлари шаҳарда қанча, вой-бўй...

Бу ёғи шаҳар телефўн тармоқларига мутасаддилик қилаётган шлапали акаларимизга ҳавола. Фақат, каптарларни ҳам ушлаб, бўйнига «Ким шикаст етказса палон сўм жарима солинади», деган ёзув илинмаса бўлгани...

Амир НАРЗУЛЛО.

Равшан ФАИЗ.

ЛАТИФА

Бу гал ҳам нишониб қаттиқ алдандим,
Олтин деб тутганим яна мис чиқди.
Хайрият, кўрмади бегона ҳеч ким,
Ўзимнинг эшагим ўзимни йиқди.

Юрганди янтоқми, шувоқ кемириб...
Баланд охурлардан емишлар ебди,
Кўзимни шамғалат этиб, семириб,
Эшаклигин қилди — ўхшатиб тепди.

Бардошим тугади, бас сабрим тўлди,
Алвидо, эй менинг содиқ йўлдошим.
Энди от оламан, не бўлса бўлди,
Қайда ёрилмаган ахир, бу бошим.

• РАССОМ ХАНДАЛАРИ

● **Доктор:**

— Мана шу доридан ичсангиз, озасиз...

*

● **Шу усул билан унчамунча трубаларни тежаб қолдик**

С. Салоҳиддинов ва А. Ҳакимов чизган расмлар.

МИТТИВОЙ

ҚЎРҚОҚ

— Ботиржон укам: вой бўй,
Ит «вов» деса, жа қочдинг?
Қочиб ҳатто том бўйи
Девордан эшик очдинг.

Чопқиллаб тўрт оёқда,
Кўз ёшларинг кўл бўлди?!
— Ҳечам... Қўрқиш қаёқда,
Иштон фақат ҳўл бўлди.

Абдулла ТУРДИ.

• *Қангли қишлоқ ҳангомалари*

КАТТА БУРУН

Қуёв навкарлари билан келиб, зиёфат бошлаганида тўққиз товоқ олиб кирган янгалардан бири қайтиб чиқаётиб, «Вой, куёвнинг кўзи катта экан», дебди. Бу янганинг бурни катта экан. Шунда куёв:

Кўз каттасин қисса бўлар,
Оғиз каттасин бурса бўлар,
Ҳай-ҳай бурунинг каттаси
Ош пичоққа даста бўлар,
Ҳалинчак соп учса бўлар,

деб мот қилибди.

КУЁВ ҚЎРҚИТАР ОВҚАТ

Одатда, куёв келганда, таом тортилганда янга бошлаб беради. Шунда биринчи овқатга шўрвали кулча (лағмонга ўхшаш) қилишган экан, янга ичиб, эплай олмабди. «Ҳу-ҳўп» деб хунук тортилибди. Куёв навкарлардан бирови шу пайт:

— Бу овқатнинг оти нима? — деса, янгаям ҳозиржавоб экан:

— Куёв қўрқитар овқат, — дебди.

АҲМОҚ ЭР

Бир кишининг уйига меҳмон келибди. Шунда меҳмон эснаса, ўчоқбошида турган мезбон хотиниям эснабди. Меҳмон кетгач, уй эгаси: «Сен меҳмон билан қўшилишиб эснашдинг, шу сенинг ўйнашинг экан», деб хотинини уриб ўлдириб қўйибди. Орадан вақт ўтиб ўзиям бир жойга меҳмонга бориб эснаса, мезбоннинг хотини ҳам эснабди. Шунда бу одам:

Эснаган эгиз экан,
Эсиз менинг хотиним,

деб афсусланган экан.

Айтувчи З. ҲАЙДАРОВА,
ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи
Ш. ТУРДИМОВ.

Билдиришлар

Эски-ҳушли, саранжом-саришта, ҳам чиройли, ёши 17-20 лар орасида бўлган, ҳали турмушга чиқмаган ўз уй-жойига эга бўлган ва уй бекаси бўлиб ўтиришни ўзига катта шараф деб биладиган, туғишдан эринмайдиган ҳар қанча қизларни иккинчи, учинчи... ва ҳоказо... хотин қилиб олишга тайёрман.

ХОЛМАМАТ брокер.

* * *

Бугун калхўзимиз клубида: «Камсамўллар ҳам одаммиди?» деган мавзуда мунозара бўлади. Барча қизиқувчи ўртоқларни таклиф қиламиз.

Калхўз Ёшлар Иттифоқининг котиби ПРУНЗЕ.

* * *

Эшитишимча, ёпонлар Ленининг ҳайкалларини дўлларга сотиб олмоқчи эмиш. Менда ҳайкал йўғу лекин 27 та Ленин, 16 та Маркснинг, 13 та Энгельснинг, 39 та Дзержинскийнинг бошбор. Мен уларни бузиб ташлашаётганда ишчиларга бир қутидан сигарет бериб олганман. Кимда ким Ёпонияга кетаётган ёки бормоқчи бўлса, сотишим мумкин. Фақат Ленининг расми бор сўлкавойга бераман.

МАТҚОБИЛ паттачи.

Билдиришларни Б. ОБИДЖОН топган.

ТЎЙБОБОНИНГ САНДИҒИ

Замонлар ўтиб, давронлар ўтиб, ҳам кулиб, ҳам кулдириб, қаланғи-қасанғилар қанша рига гоҳ мушт тушириб, гоҳида ўзи ҳам мушт еб, қурбонлар бериб «Муштум» ҳам етмишга кирмоқда. Нашр сифатида бу ёшга етганлар бор, етмаганлар бор. Етмиш йил давомида бирорта газета-журнал йўқки, ўз номини, ўз йўлини, ўз иш қуролини ўзгартирмаган бўлсин. Бироқ «Муштум» ўзбек...нг ҳақиқий мушти бўлиб қолаверди. Номини ҳам, асосий қуроли ҳисобланмиш — кулгисини ҳам ўзгартирмади.

Етмиш йиллик таваллуди арафасида «Муштум» бобо ўзининг «олтин сандиғи»ни жаранглатиб очиб, бисот титди. Сандиқдан Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Комил Алиев, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаххор, Чархийларнинг ва ҳозирда ҳажв соҳасида баракали ижод қилаётган Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Анвар Обиджонларнинг антиқа, характерли ҳикоялари, Эркин Воҳидовнинг «Дониш қишлоқ латифалари», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» саҳна асари, Зоҳиджон Обидовнинг машҳур «Арслоннинг ўлими» масали, Аббос Муҳиддиннинг ўткир фельетони, Мухтор Худойқуловнинг Криловникига ўхшаган масали, эл орасида машҳур қизиқчиларнинг ҳангомалари ва яна кўп ялтироқ матолар чиқди.

«Муштум» билан «Ёзувчи» нашриёти келишиб, шу бисотдан энг сара ҳикоя, фельетон, ҳажвий шеър, лоф, латифа, бир қайнови ичида гаплар ва масхара расмлардан алоҳида бир тўплам қилиб, унга «Тўйбобонинг сандиғи» деб ном беришди. Ҳажми 15 босма тобоқ, ялтироқ тўн кийган, безакли ушбу китобнинг ҳар бир донаси 30 сўм атрофида баҳоланмоқда. Ишқилиб китоб чиққунча шундоғам нархи осмонга кўтарилган қоғоз ва босмахона харажатлари ошиб кетмасин!

Ишончимиз комилки, бу китобдан юз минглаб муштарийларимиз бебаҳра қолмағайлар. Буюртмаларни қуйидаги манзилларга жўнатишингиз мумкин:

1. «Ёзувчи» нашриёти, Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

2. Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси. Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

3. Тошкент улгуржи-савдо ишлаб чиқариш корхонасининг китоб савдоси бўлими. Тошкент 700069. Саъднев кўчаси, 88-уй.

4. «Муштум журнали. Тошкент — 700083. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

«Нашриёт» ва «Муштум»га буюртма бермоқчи бўлсангиз, алоқа бўлимига бориб 30 сўмни бизнинг манзилга йўллаб конвертга солиб, унга «Тўйбобонинг сандиғи» китоби учун» деб ёзиб, исм-шарифингизнию, маконингизнинг унвонларини кўрсатсангиз бас. Китоб чиқса, бенасиб қолмағайсиз. Ҳа, энди «Муштум»бобонинг тўйи бўлгандан кейин... у ёғи бор барака.

ТАРИХИМИЗНИНГ ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИСИ



● Юқоридаги сурат олтмишинчи йиллар сўнгида тасвирга тушган. Ўшанда Абдулла Орипов ҳам Бегали Қосимов ҳам 25-26 ёшлардаги навқирон йигитлар бўлишган. Сурат муаллифи филология фанлари номзоди Суннатулла Аҳмедов таъкидича, шоирнинг «Тилла балиқча», «Минора тепасидаги лайлак» шеърлари энди матбуот юзини кўрган пайтлар.

Истеъдодли адабиётшунос олим Бегали Қосимов 50 ёшга тўлди. Уни етук олим сифатида ҳам, меҳрибон устоз сифатида ҳам ва ойнаи жаҳонда адабий кўрсатувларнинг доимий севимли бошловчиси сифатида ҳам таниймиз. Олим ярим асрлик умрини катта илмий тадқиқотларга, ТошДУ филология факультетида домлалик ишига бағишлаб келди.

Ўзбек адабиётининг асримиз бошларидаги, аниқроғи, 20-йиллардаги мураккаб тақдирини ёритиш, унинг муаммоли масалаларига аниқликлар киритишда олим жиддий тадқиқотлар силсиласини яратди. «Абдулла Авлоний» (1979), «Излай-излай топганим» (1983), «Салом келажак» (1986), «Маърифат дарғалари» (1990), «Исмоил Гаспирали» (1992) каби йирик тадқиқотлар адабиётшунослик фанимизга қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Шунингдек, олим амалга оширган Ажзий, (1973) Авлоний «Тошкент тонги» (1979), Сидқий Хондатлиқий «Навбаҳор» (1984) ларнинг асарларини нашри ва тадқиқи ҳам халқимиз маънавий мулкига айланган.

Бегали Қосимов фан доктори, профессор. У бу даражага ўзининг сермашаққат меҳнати, илмга бўлган фидойилиги туфайли эришган. Олим илмининг ҳалол йўлидан борган, моддий қийинчиликлар ҳисобига маънавий юксакликка эришган инсон. Ў одамларни яхши кўради, айниқса талабаларни. Талабалар ҳам уни оғзидан қўйишмайди. Домла талабаларни қанчалик суймасин, ўта талабчан, қаттиққўл. Ундан ижобий баҳо олиш талаба учун фахр.

Дарҳақиқат, Бегали Қосимовдек олимимиз билан фахрлансак арзийди. Бугун олим илмининг довруғи нафақат республика, халқаро миқёсга ҳам эга. У халқаро Аҳмад Яссавий қўмитасининг ва халқаро Исмоил Гаспирали Истанбул фондининг аъзосидир.

МЕРОС ВА МУСТАҚИЛЛИК

Бугун тарихни бошқатдан ёзиш шарт бўлиб қолди. Эътирозингизни сезиб турибман, «тарихимиз»-чи, том-том китобларимиз-чи, тарих, нари борса саналару воқеалардан иборат эмасми?» демоқчимисиз. Аввало тарих биргина сана-ю воқеадан иборат эмас, у сиёсат билан чамбарчас боғлиқ фан. Ҳамиша уни сиёсат белгилаб келган. Биз кейинги юз-юз эллик йил давомида тарихимизга ўз кўзимиз билан бир қараган эмасмиз. Дастлаб ҳукмрон миллат — руслар-нинг манфаати мезон бўлди, шунга хизмат қилса, олинди, бўлмаса, ташлаб юборилди. Сўнг унинг ёнига социалистик мафкура қўшилди. Русиянинг манфаати эса, бизни бундайроқ, ҳалигидақа «иккинчи сорт» миллат сифатида кўришни ва кўрсатишни тақозо этди. Бу ўз навбатида тарихимизни шунга мослашга олиб келди. Масалан туркий қавмни «мустақил миллатлар» ниқоби остида ошкор бир-биридан ажратиш ўзаро, зид қўйиш сиёсати юритилди. Яқингача ҳам бирортамиз «биз туркмиз» дегудек бўлсак, тўрттамиздан учтамиз сапчиб тушардик. Нега? Яқинда «Известия» газетаси (1992 й 2 окт) Русия билан Туркиянинг ўзаро дипломатик муносабати ўрнатилганига беш юз йил тўлганини қайд этди. Шундан 47 йили уруш билан ўтган экан! Кўз очиб кўрганимиз СССР тарихи эса Русия тарихидан иборат эди. Ўзбекистоннинг ўз тарихи, бир-икки фактни ҳисобга олмаганда, ўзбекча ёзилган эмас. Шуларни бир мағзини чақинг, сапчишнинг сирини тушунасиз. Туркий халқларнинг келиб-чиқиши ҳақида кенг тарқалган бир нуқтаи назар бор. Қадим ҳунлар мелоднинг бошларида Марказий Осиё саҳроларидан Шимолга томон силжиганлар. Бугунги туркий халқлар ўша ҳунларнинг маҳаллий халқлар билан чатишувининг самарасидир.

Бирдан кўнглингизга келгиндилик ўкинч чўкади. Биз киммиз, деган изтироблар қийнайди. Кўнглингиз чўкмасин. Бу нуқтаи назар тўғри эмас. Боболаримиз ҳақида бошқа нуқтаи назарлар ҳам бор экан. Фақат биздан яшириб келинган экан. Масалан XX асрнинг машҳур тарихчиси, Ленин сиёсати билан чиқишмасдан муҳожирликка юз тутган собиқ давлат арбоби Аҳмад Закий Валидий Ашхобод яқинидаги Анай харобаларини текширган археологлар унинг қадимийлиги ҳақида фикр юритганда икки таҳминни ўртага қўядилар, дейди.

1. Бу юксак маданият бўлиб мелоддан 4500 йил олдинги тарихга дахлдордир. 2. Мелоддан 9000 йил олдинги даврга мансуб. У дунёнинг энг кўҳна маданият қатламидир.

Веналик роҳиб В. Шмит Нил бўйидаги энг кўҳна маданиятни Ўрта Осиёдан келган кўчманчилар яратдилар, деб ҳисоблайди. Ҳиндистондаги Мохинжидоро харобаларидан топилган ҳайкаллар антропология жиҳатидан Ўрта Осиё турк тилини эсга солар экан.

Замондошимиз Лев Гумилов ёзади: Туркларнинг бобокалонлари мелоддан 2000 йил муқаддам ўтроқ яшар эдилар. Лекин эрамиздан олдинги минг йилликда бошланган қатиқ қурғоқчилик оқар сувларни тамом қуритиб ернинг қум қисмини қоплаб турган тупроқ қатламларини бузиб очиб юборди. Шамол қумни учириб экинзорларни кўмиб ташлади. Экин ерларнинг кўп қисми ишдан чиқди. Бу ҳол уларни кўчиб яшашга мажбур қилди... Шундай қадим, жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида келган боболаримизни нега билмаймиз. Чунки буларни билишимиз «катта ака»мизнинг манфаатларига тўғри келмасди. Буларни мустақил миллатгина айтиш мумкин эди.

Кўпминг йиллик тарихимизда таназзул даври саналган сўнгги тўрт юз йилда бу миллат замон зарбаларию ўзаро беоқибатлик туфайли парчалаб ташланди, мустақилликни йўқотди. Энг кейинги зарба Русия истилоси бўлди. Тарих саҳнасига бошқа миллатлар чиқиб келдилар. Лекин X асрда Ўрта Осиёдан Ғарбга йўл олиб кичик Осиёни Ватан тутган бир гуруҳ қардошларимиз туркнинг таназзул асрларида ҳам мустақилликни қўлдан бермадилар. Аҳмад муғул аралашмаган бирорта буюк байналминал ҳодиса бўлган эмас. Турк бирорта шундай мамлакатга келмаганки, охирида у ўша жамиятнинг шоҳсупасига кўтарилмаган бўлсин....

Туркнинг бутун тарихий такомили давомида кўзга ташланган энг аён ирқий хусусиятларидан бири ҳам тарихнинг биз билган давридан буён аскар бўлиб келганлиги, интизомсеварлиги, ҳаётнинг энг оғир мушкулотига ҳам тайёр туриши, машаққатларига узоқ муддат сабрли бўлишидир. Қадим турклар ўзларини мана шу жиҳатдан тарбиялашга фавқулодда аҳамият берганлар ва инсонни бўшаштирадиган фароғатдан, вужудни оғирлаштирадиган емаклардан сақланганлар....

Ҳамма гап мана шу асрий қавмий хусусиятларимизни жонлантиришда, ишга солишда.

Мустақиллигимиз берган неъматлардан бири диннинг, диёнатнинг қайтиши бўлди. Лекин бу масала ҳам ақл ва тадбиркорликни талаб қилади. Мустақиллик масаласи кун тартибида турган 1917 йилда таниқли журналист М. Шермуҳамедов ёзган эди: «Муҳтарам қориларим, шуни яхши билингларки, агарда Туркистон ўзинча мустақил идора бўлса, маатаассуф ул вақтда Туркистонда маданият, фанун ва маориф мутлақо емирилур. Чунки «алҳамдулиллоҳ, эмди мусулмонобод бўлди, деб иш бошида турувчи» ақилли бошлар» қисқа қиюм кийганларни, соқол қирғонларни, чоч-мийиқ қисқартмағонларни, янги усулда ўқиғонларни, русча сўйлаша билганларни «булар бит кофир, буларнинг жазоси зиндон ё ўлум» деб миллатнинг энг суюклу азиз болаларин қоронғу зиндон ёки дорғочларинда бирма-бир йўқ қилуб, ёшларнинг томирин қуритувчилари бик маълум. («Шўро» журнали, 1917, 12-сон, 269-270 бетлар) Адибнинг хавотирида ҳам, пичингида ҳам жон бор, гап диний мутаассиблик устида кетяпти. Умуман, диндаги маърифат билан бидъатни фарқламоқ керак. Клавихо Мирзо Улуғбек тўйида хотин-қизларнинг очиқ юз билан хизмат қилганликларини ўз кўзи билан кўрган эди. «Хадиси шарифда «Илм эгалламоқ муслим учун қанчалик фарз бўлса, муслима учун ҳам шунчалик фарздир» дейилган экан. «Қуръони карим»да, исломшуносларнинг бири қайд этишича, 752 жойда «илм» тилга олинган. Машҳур оятларнинг бири «Бешикдан лаҳадгача илм талаб қил» («Утлубул илму минал маҳди илал лаҳди») оятидир. Айни пайтда шу якун тарихимизнинг ўзида аёллар ҳаранжи-чаҳвонга тиқилиб, Сиддиқий-Ажзийдан Сўфизодагача, Абдулла Авлонийдан М. Шермухамедовгача ўнлаб илм-маърифат эгалари, мураббийларга дин номидан «кофир» тамғаси босилиб, сазойи қилинмадиларми? Қолаверса, ислом фундаментализми деган гаплар, Тожикистондаги воқеалар ислом маърифатидан кўра мутассиблиги эканлигига далолат эмасми?

Бугун тарихимиз, шу жумладан, адабий-маданий меросимиз ҳақида исломдан бехабарлик билан гапириб бўлмайди. Шу жиҳатдан, адабиётимиз тарихининг талқинларинигина эмас жуда кўп фактларни ҳам қайта кўриб чиқиш, баҳолаш зарурати бор.

Масалан, мумтоз шеъриятлардаги дардни, нолани олинг. Бир вақтлар адабиётшунослик бунда меҳнаткашнинг жабру зулмидан қилган фарёдни кўрган эди. Бундай қарасак, шоҳлар ҳам нола қилганлар, буни сўнг ишққа йўйдик. Ҳолбуки буларни бунақа енгил тушунтириб бўлмайди. Олимларимизнинг бири буни қадим фалсафа «аносири арбаа» (тўрт унсур) билан боғлади. Унга кўра инсон вужуди тўрт унсурдан — сув, ҳаво, тупроқ, ўтдан бино бўлган. Буларнинг ҳар бири инсон ҳулқининг муайян сифатини белгилайди. Жумладан ҳою ҳавасга ўлчик ҳаводандир. Инсоннинг камолоти учун эса мўътадиллик керак. Шу мўътадилликни сақлаш учун ҳою ҳавасни жиловлаб туриш керак бўлади.. Бу ерда маълум мантиқ бор, албатта. Лекин бу фиғон, афсус ва надомат айни пайтда инсондай мукаммал мавжудот умрининг абадиятга нисбатан ҳечлигидан, киприк қоққанча фурсат эканлигидан, шу лаҳзалик ҳаётнинг аламу армонлар билан кечажаклигидан ҳамдир. Буни «ҳузни умум» «ғуссаи жаҳон») дейдилар. Чунончи,

Ҳаётин саслари гўшумдай ҳап фарёд шаклинда,
Бу инсонларки, қардошлардир ва лекин ёт шаклинда,
Бу тупроқ қонли овлоқдур, башар сайёд шаклинда,
Адоват доимо бордур, муҳаббат от шаклинда,
Бу дунё эскидандур саҳнаи бедод шаклинда,
Жаҳон бошдан боша майдони мотамзод шаклинда...
Мусибатлар, балолар, ғуссалар обод шаклинда...
Боқишлар кулгали, ўзлар тамон ношод шаклинда.
Бу мотамгоҳи ким, кўрмиш суруробод шаклинда!
Саодат бир амал, аммо шақоватлар ҳақиқатдур,
Адолат нерда, лекин зулму вақшатлар ҳақиқатдур.
Қани ҳуррият оламда, асоратлар ҳақиқатдур...
Балолар дардлар чўхдир, фалокатлар ҳақиқатдур,
Бутун осоримиз қонли, жиноятлар ҳақиқатдур...
Жаҳон бир арзи мотамдур, мусиратлар ҳақиқатдур...
Боқишлар кулгали, ўзлар томон ношод шаклинда,
Бу мотамгоҳ ким кўрмуш суруробод шаклинда.

Муҳаммад Ҳодининг бу машҳур сатрлари биринчи жаҳон уруши йилларида ёзилиб, 1918-19 йилларда чоп этилган «Инсонларнинг тарихий фожиалари ёҳуд алвоҳи нтибоҳ (уйғониш лавҳалари) поэмасидан.

Мустақиллик мамлакатимизнинг моддий-маънавий ҳаётидан халқимиз курашининг ниҳояси эмас, бошланишидир. Чунки, олдимизда тарихимизни ўз ақлимиз билан таниш, идрок этиш, ўз ҳаётимизни ўз истагимизча қуриш, бойликларимизни ўз миллатимиз, ўз мамлакатимиз равнақи йўлида сарф этишдек ғоят оғир ва бениҳоя маъсулиятли вазифалар турибди.

Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори.

Закий Валидийга ўхшаган тарихчиларнинг Туркияда камол топганлиги бежиз эмас эди....

1917 йилдан кейин синфийлик деган бало пайдо бўлди. Миллат қоқ иккига бўлиб ташланди. Йўқсиллар бойларни қиришга тушди. Уни қойил қилганимиздан сўнг уларга чидай олмаган, юрагида олов ёнган ватанпарварларга қарши курашни бошладик, уларга босмачи ном бериб халққа олабўжи қилиб кўрсатдик. Сўнг зиёлиларга ўтдик, миллатчи, жадид тамғасини босиб битта-битта териб йўқота бошладик. Ниҳоят, «социалистик» тузум деб ном олган, аслида Рейган «ёвузлик салтанати» деб баҳолаган бир нарса қарор топди. Уни оқлаб олиш учун ўтмишга тош ота бошладик. Тарихи бўлмаган миллат чиндан ҳам етим миллатдир.

Лекин афсуски, кейинги етмиш йил давомида ўтмишдан — тарихдан тондик. Бу ҳам етмагандек уни бадном қилдик. Оқибатда она — ўтмишнинг, ота — тарихнинг қарғишига қолдик. Улар бизларни оқ қилдилар...

«Баъзилар, — ёзган эди А. З. Валидий 1929 йилда, — русга тобеъ туркларнинг, хусусан, туркистонликларнинг миллий ҳаракати ҳали жуда ибтидоий босқичдалигини, инглиз, немис ва рус миллатларининг бутун янги давр тарихини ағдар-тўнтар қилган миллий шуурлар, миллий маданиятларининг улуғворлиги қаршисида Ўрта Осиёликларнинг довдираб қолишларини, бир куни ўз тақдирларини ўзгартириш имкони туғилганда ҳам ундан фойдалана олмаяжакларини сўйлайдилар. Лекин турк миллатининг шундай мумтоз қавмий хусусиятлари бордирки, уларни уйғотиб ишга солишга муваффақ бўлинса, йўқотган нарсаларини озгина бир муддатда тиклай олади.

Мингларча йиллик тарихимизда қизил ип бўлиб ўтган миллий хусусиятларимиздан бири жонлилик ва битмас фаолликдир. Қадим тарихда Осиё ва Европа худудида турк ва

«Ўзбекистон овози» газетаси ва республика энергия назорати корхонасининг қўшма рейди

Иқтисодиёт тежамли бўлиши керак, деймизу, амалда кўпчилигимиз бунга риоя қилмаймиз. Бунга қотиб қолган ҳаётий тушунчамиз сабаб, чамаси. Яқин ўтмишда шаклланган мулкчилик муносабатлари бизни шу аҳволга солиб қўйганди: ҳаммаси халқники, бўлгач, жавобгарлиги давлат зиммасида, дердик.

Бугунги кунда эса республикамиз мустақилликка эришиб, ўлкамизда мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бинобарин, мулкка муносабат ҳам ўзгариб боряпти. Энди у ҳоҳ раҳбар, ҳоҳ ишчи бўлсин, ишбилармон ёки оддий фуқаро бўлсин, ўз корхонаси, иш жойи, боринги, ўз оиласи иқтисодиётининг тежамли бўлишига интилмоқда.

Бироқ ҳали-ҳануз ҳаётимизда бунинг акси бўлаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Эскича қарашлардан воз кеча олмаётган айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари, фақат ўзини ўйлаган баъзи шахслар айби билан давлатнинг, демакки эндигина тетапоя қадамлар ташлаётган мустақил мамлакатимизнинг бойликлари тежамсизлик оқибатида ҳавога совурилмоқда ёки шахсий манфаатлар йўлида сарф этилмоқда.

Биз буни бир қатор корхона, ташкилотлар фаолиятини текшириш жараёнида электр энергиясидан фойдаланишдаги тежамсизликка, ўзибўларчиликка кўп дуч келганлигимизга асосланиб, айтаяпмиз.

Маълумки, кейинги пайтда аксарият МДҲ давлатларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархи ошиб кетди. Бу, айниқса, республика халқ хўжалигини кузги-қишки мавсумда энергия билан барқарор таъминлашда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Юзага келган мураккаб шароитдаги энг тўғри йўл — энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиб, қишки мавсумдан бенуқсон чиқиб олишдан иборат.

Хўш, шундай шароитда республика энергия назоратчилари қандай ишларни амалга оширишмоқда? Аввало, шуни айтиш керакки, корхона ходимлари электр энергиядан тежамсиз фойдаланаётган ёки уни ўғирлаётганларни аниқлаб, тегишли чоралар кўрмоқдалар. Бу борада кунора ўтказилаётган рейд-текширувлар яхши самара бермоқда.

Масалан, шу йилнинг декабрь ойи бошларида ўтказилган текшириш «Средазтепломонтаж» ижара корхонасида куппа-кундуз умумий қуввати 1,5 киловатлик тўртта ўткир шуъла сочувчи электр (прожектор) чироқлари ёниб турганлиги аниқланди. «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида эса бундан ҳам каттароқ «ҳотамтой»ликка дуч келдик. Бу ердаги штамп тайёрлаш цехида кечки пайт атиги тўртта дастгоҳ ишлатилаётган бўлса-да, бино шипида 100 та лампа ёниб турарди. Цех раҳбаридан бундай «ҳотамтойлик» сабабини сўраганимизда: «Кечқурун тез қоронғи тушяпти, шу боис бириккитаси ортиқча ёнаяпти, ҳолос», деб жавоб берди. Ваҳолонки, цехда керагидан 5-10 баравар кўп электр энергияси сарфланмоқда эди.

Тўғрисини айтганда, энергияни иқтисод қилиш ишига давлат коммунал ва бюджет корхоналари панжа орасидан қарашяпти. Ҳатто, айрим корхоналарда ҳисоб (счётчик) қурилмасисиз электр энергиясидан фойдаланмоқдалар. Масалан, Қўйлиқдаги темир-бетон конструкциялари заводига қарашли 1-махсус қурилиш-монтаж бошқармасида ҳам шундай «ғирромлик» аниқланди. Бу ерда энергияни ҳисоблаш қурилмасини ўрнатмасдан, ўзбошимчалик билан 42 киловатт-соат электр энергияси ишлатилган.

Шу йилнинг 4 декабрида ўтказилган текширувда эса баъзи корхоналарда энергиядан тежамсиз фойдаланишда фавқулодда хўжасизликка йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Жумладан, Тошкентдаги кислород заводида хоналарни иситишда «қўлбола» электр иситиш қурилмаларидан фойдаланилган. Натижада хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмасдан кўплаб киловатт-соат энергия бекорга сарфланган.

Бундан ташқари, пойтахтнинг Яккасарой районида жойлашган «Дилрабо» кафесида, Тошкент енгил металл конструкциялари тажриба заводида, йирик панелли уй-жой қуриш заводи ва бошқа айрим корхона-ташкилотларда ўтказилган текширувларда шу нарса аён бўлдики, электрдан фойдаланишда ҳали-ҳануз катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ачинарлиси, айрим жойларда электр ўғрилари ҳам пайдо бўлмоқда. Бундай шахслар уйларидаги энергия ҳисоблаш қурилмаси (счетчик)ни атайлаб бузиб қўйиб, давлат бойлигидан фойдаланишяпти. Очиғини айтганда, электр ўғриларидан ундирилаётган жарималар уларга кор қилмаяпти.

Мисоллар дейсизми? Марҳамат, эътибор беринг: Хонобод вилоят Шовот районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшовчи Қурбонов ўзбошимчалик билан электрдан фойдаланган. Бунинг учун 546 сўм жарима тўлади. Нукус шаҳридаги Гирдоузел кўчаси 3-уйда истиқомат қилувчи Жўрабоевдан 1109 сўм, Тошкент шаҳар Марғилон кўчаси 64-уйда яшовчи Жабборовдан эса 1234 сўм жарима ундириб олинди.

ЭЛЕКТР ЎҒРИЛАРИ

Эндиликда электр энергиясидан тежамсиз фойдаланишга, электр ўғрилари «фаолияти»га чек қўйиш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида тежамкорлик ҳаёт тақозосига айланмоғи шарт. Ахир ўйлаб, ҳисоблаб кўринг: бир киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинса, халқ хўжалигида қўшимча тарзда 40 килограмм кўмир, 33 килограмм нефть, 15 килограмм темир рудаси қазиб олиш ёки 120 килограмм нон ёпиш мумкин. Энг муҳими, корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, фуқаролар эса оилавий бюджет харажатларини камайтиришга муваффақ бўлишади.

Шуни ҳисобга олиб, биз яна бир бор саноат корхоналари, муассасалар, савдо ташкилотлари раҳбарлари, бутун республика аҳолисига мурожаат қиламиз: ишлаб чиқаришда коммунал хўжаликда, маиший эҳтиёжда ва уйда электр энергияси тежамсиз ишлашига йўл қўйманг. Бу, Сизнинг ўзингиз, қолаверса, мустақил мамлакатимиз учун ҳам фойдалидир.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

А. ҚОДИРОВ,
республика энергия назорати корхонаси бош муҳандиси.

● БИЗГА ЖАВОБ ЁЗАДИЛАР

ЧОРАЛАР КЕСКИН БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Ўзбекистон овози»да 1992 йил 7 август, «Тижорат ниқобидаги қароқчилик», 12 сентябрда «Шакар» операцияси» ва 13 октябрда «Савдодаги ғавғолар» сарлавҳаси остида чоп этилган танқидий мақолалар юзасидан текширишлар ўтказди. Текширишлар натижасида мақолаларда кўтарилган масалалар ўз тасдиғини топганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика аҳолиси истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, ҳуқумат қарорлари айрим раҳбар шахслар ва фуқаролар томонидан бузиб келинаётганлиги оқибатида чайқовчилик авжга минаётгани аниқланди.

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ва уларга қарашли жойлардаги давлат ва тармоқ назорат ташкилотлари, ички ишлар, прокуратура ва суд органлари томонидан кескин чоралар кўрилмаётганини ҳисобга олиб, 1992 йил 28 октябрда республика прокуратурасида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалари, давлат ва тармоқ назорат ташкилотлари ва ҳуқуқни ҳимоя этувчи органлар раҳбарлари иштирокида мувофиқлаштирувчи **Кенгаш ўтказилди.**

Кенгашда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика аҳолиси истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишининг аҳволи ва жиноятчилик, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга қарши кураш чораларини кучайтириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Республика савдо ташкилотлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Республика аҳолиси истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонунларнинг оғишмай бажарилишини таъминлаш тўғрисида тавсиянома ишлаб чиқилди.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Республика прокурори томонидан киритилган ахборотномага асосан Республика Бош вазири барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва уюшмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти раҳбарларига 1992 йил 9 ноябрда тегишли кўргазма юборди. Бу кўргазмада 20 кун муҳлат давомида кооператив, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлар ва тижорат савдо дўконларини амалдаги қонунларга мувофиқ қайтадан рўйхатдан ўтказиш, улар фаолиятида қонунчиликни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Республика прокуратураси органларига ҳукуматнинг бу кўргазмасини амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш, қонун бузилиши олдини олишда талабчанлик қилиш ва **айбдор шахсларга нисбатан кескин кураш чораларини қўллаш ҳақида кўрсатма берилди.**

С. М. МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МИСДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

● **Фарғона ўлкашунослик музейида «Фарғона» мисгарлик санъати кўргазмаси очилди.**

Кўргазмага қўйилган Фарғона водийсидаги мисгарлик санъати намуналари орасида энг қадимги номаълум усталар ишидан тортиб, кейинги авлод вакиллари ясаган буюмларгача бор. 1939 йили Катта Фарғона канали қурилиши пайтида топилган уч оёқли мисқозон эрамизгача бўлган VII—V асрларда маҳаллий усталар томонидан қўйилган. X асрга мансуб иккита бронза лаганда эса одам бошли афсонавий қушнинг моҳирона ўйиб ишланган тасвири бор. XVII—XIX асрларда Қўқон ва Марғилон мисгарлари ишлаган мис кўза, лаган, обдаста, чилопчинлар нафис нақшларга бойлиги, ташқи кўринишининг кўркам ва нозиклиги билан томошабинларни лол қолдиради. Кўргазмада, шунингдек, М. Мадалиев, Л. Фозилов сингари ҳозирги замон мисгарларининг ишлари ҳам намойиш этилмоқда. Илдизи қадим даврларга тақаладиган Фарғона мисгарлик санъати кейинги йилларда қайта ривожланяпти. Оддий мис узра ўз санъати билан мўъжизалар яратаётган усталар сафи кенгайиб боряпти.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЧАВАНДОЗЛАР КЎПДИР БУ ЭЛДА

● **Дарҳақиқат, Зарафшон воҳасида мардлигу-жасорати, ботирлигию — эпчиллиги эл оғзига тушган чавандозлар бисёрдир.**

Шу боис Пастдарғомдаги «Машъал» жамоа хўжалигида ўтказилган кўпкари чинакам жасорат майдонига айланди. Ургут, Нуробод, Жомбой, Самарқанд ва Пастдарғом районларидан келган чавандозлар улоқ учун курашиб, олқишга сазовор бўлдилар. Кўпкари натижасига кўра Бобур Маллаев, Шафирполвон ва Аваз-тўраполвонлар энг катта совринларни қўлга киритдилар. Дарвоқе ғолибларга мукофот учун Самарқанд вилоят «Кўпкари» жамияти 20 минг сўм, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши 5 минг сўм, шунингдек, бир қатор хўжалик ва жамоалар баҳолиқудрат маблағ ажратишди.

Фармон ТОШЕВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТЎЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жамоаси қоровул-пости бошлиғининг ўринбосари Р. Р. Ҳамроевга отаси

Равшан ҲАМРОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. Унинг қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУАССИСЛАР:

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: М. ЮСУПОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.55 Г—512. № 249. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.